

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA  
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
*BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI*

“P.C. НЕМОВ УСЛУБИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ”

**BITIRUV**  
**MALAKAVIY ISHI**

BMI kafedraning №      sonli qarori

«    »      2012 yil bilan himoyaga ruxsat etilgan

**Bajardi:** \_\_\_\_\_

**Kafedra mudiri:** \_\_\_\_\_

**Fakultet dekani:** \_\_\_\_\_

**Ilmiy rahbar:** \_\_\_\_\_

**Buxoro – 2012**

# **Р.С. НЕМОВ УСЛУБИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ**

## **ПСИХОЛОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

### **РЕЖА:**

**Кириш.**

**Асосий қисм.**

### **I боб. Р.С.Немовнинг ижтимоий психология соҳасига қўшган ҳиссаси.**

- 1.1. Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосининг ўрганилиши.
- 1.2. Гуруҳларнинг психологик имкониятларини ўрганиш бўйича Р.С.Немов услуги.
- 1.3. Гуруҳдаги ижтимоий-психологик муҳитни ўрганиш.

### **II боб. Гуруҳ ва шахсга хос хусусиятларни Р.С.Немов услуги орқали методологик таҳлил қилиш.**

- 2.1. Гуруҳларда ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларини аниқлаш бўйича Р.С.Немов шкаласи.
- 2.2. Кичик мактаб ёшидаги болалар билиш жараёнларини ўрганиш бўйича Р.С.Немов услуги.
- 2.3. Р.С. Немов услуги орқали шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ижтимоий амалий тренинглар.

**ХУЛОСА**

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

**ИЛОВАЛАР**

## КИРИШ

Республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс ва унинг ижтимоий муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос тарбиявий таъсир этиш жуда мушкулдир. Табиийки, бу ҳолат психологлар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан алоҳида таъкидланганидек, “Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда муносиб ўринни топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.” (Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин/ “Тафаккур” журнали. – Тошкент. – 1998 – 2-сон 11 б.)

**Мавзунинг долзарблиги:** Даставвал таълим муассасаларида ҳар бир ўқувчи шахсига, унинг гуруҳдаги мавқеига таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларга жиддий эътиборни қаратиш орқали бугунги кунда ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлодни жамият истиқболлари учун етарли даражада фидоий, ватанпарвар ва халқпарвар қилиб тарбиялаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Албатта, бу долзарблик замирида ҳар бир ўқувчи шахсининг гуруҳдаги мавқеи, гуруҳда ўз “мен”лигининг ифодаланиши билан боғлиқ рефлексия ва идентификация жараёнларининг кечиши, ўзига хос индивидуал имкониятларнинг намоён этилиши каби ҳолатларни таҳлил қилиш ва шу таҳлилларга таяниб ҳар бир

Ўқувчи шахсига, ҳамда унинг гуруҳига психологик хизмат кўрсатиш жараёнининг нечоғлик муваффақиятли ташкил этилиши ётади. Чунки ана шундай психологик хизмат кўрсатиш орқали ҳар бир ўқувчи шахсининг ўзига хос ижтимоий-психологик тараққиётига ижобий таъсир этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан махсус дастурлар асосида ташкил этилган психологик хизмат жараёни ўқувчилардаги гуруҳий муносабатлар динамикаси, гуруҳий фаоллик мотивациясининг муайян даражада шаклланиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат жараёнининг ҳар жиҳатдан кенг кўламли йўналишларга эга эканлиги ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос мақсади ҳамда вазифалари борлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифалар эса албатта махсус билимларга ва тажрибаларга эга бўлган амалиётчи психологлар томонидан амалга оширилади. Қолаверса, бугунги кунда барча ривожланган давлатлардаги таълим муассасаларининг юқори даражадаги истиқболларини ўзига хос ижтимоий мақсадлар асосида ташкил этилган психологик хизмат амалиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай таълимнинг объекти ҳам субъекти ҳам ўқувчи шахсининг айнан ўзи ҳисобланади. Ўқувчи шахси эса муайян ижтимоий таъсирлар асосида шаклланувчан ва жуда кўплаб ўзигагина хос бўлган бетакрор психологик имкониятларга эга бўлган онгли ижтимоий мавжудотдир. Шу боисдан, айтиш жоизки, агарда биз таълим самарадорлигига эришмоқчи бўлсак, шунингдек, жамият тараққиёти учун зарур бўлган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тайёрламоқчи бўлсак, энг аввало мазкур шахсдаги психологик имкониятларни ҳамда унга бевосита ижобий ёки салбий таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз ва шу таҳлилларга таяниб тегишли даражада тарбиявий ишларни олиб боришимиз муқаррардир. Шу нуқтаи назардан олинганда бугунги ҳар бир ўқувчи шахсига унинг ижтимоийлашувига бевосита таъсир этувчи кичик гуруҳларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва ҳар бир ўрганилган омилни психологик талаблар

асосида талқин қилиш ва шу талқинларга таяниб мактаб амалиётчи психологлари учун муайян тавсияларни ишлаб чиқиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Р.С. Немовнинг ижтимоий психологияда шахс хусусиятлари ва гуруҳларни ўрганиш бўйича қилинган ишлари аҳамиятга моликлигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур ишда ҳар бир ўқувчи шахсини у ёки бу кичик гуруҳ аъзоси (расмий ёки норасмий) сифатидаги ижтимоий фаоллик даражаларини Р.С. Немов усули ёрдамида ўрганиш ва шу фаолликни ҳаракатга келтирувчи ички мотивацион тизимнинг шаклланиши билан боғлиқ айрим кўрсаткичларга баҳо бериш ва шу баҳолар орқали психологик хизмат доирасида намоён этилиши мумкин бўлган гуруҳий фаоллик истқиболларини белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** Маълумки, бугунги кунгача жуда кўплаб илғор ижтимоий психология вакиллари томонидан кичик гуруҳлар муаммосини ўрганишга бағишланган талайгина тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, хориж психологлари томонидан (Д. Кортрайт, А. Зондер, Д. Анзве, Ж. Мартэн, М. Дойч, С.Аш, Д. Тибо, Г. Келли, Д. Хоманс, Д. Майерс, А. Маслоу, В. Мёде, Ф. Олпорт, Г. Фламент в.х.к.) кичик гуруҳларга турли хил индивидуал имкониятларнинг рўёбга чиқариш мажмуаси сифатида қаралиб бир қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинган бўлса, рус олимлари томонидан эса (Г. М. Андреева, Я. Л. Коломинский, С. Л. Будасси, Р. С. Вайсман, А. И. Донцов, Р. Л. Кричевский, А. А. Кроник, Б. Ф. Ломов, В. С. Мерлин, Р. С. Немов, Н. Н. Обозов, Б. Д. Парыгин, П. Н. Шихирев, М. Г. Ярошевский ва бошқ.) кичик гуруҳларнинг муайян жамоа сифатидаги шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айни пайтда ўзбек олимлари томонидан ҳам (А.С.Бегматов, Э. Ғ. Ғозиев, Ғ. Б. Шоумаров, М. Г. Давлетшин, Б. Р. Қодиров, Ш. Р. Баротов, В. М. Каримова, З. Г. Нишонова, И. Махмудов, Т. М. Адизова, Р. И. Суннатов ва ҳ.к.) кичик гуруҳлардаги умумий, ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларни миллий муҳит шароитидаги кенг кўламли

имкониятларини очиб беришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотларнинг мавжудлиги бугунги ижтимоий психология фани истиқболларини белгилашда муҳим ўрин эгаллаб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Шунингдек, махсус ўтказилган тадқиқотлар борки, унда кичик гуруҳларнинг у ёки бу жихати чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган. Бинобарин, Америкада Д. Кортрай, А. Зондер, Ф. Олпорт, Г. К. Хомманс, К.Л. Ҳилл ва уларнинг шогирдлари томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотларда кичик гуруҳларнинг реал ҳаёт билан боғлиқ индивидуал муносабатлар мажмуасига алоҳида объект сифатида талқин қилинса, В. Мёде бошлиқ немис социал психологлари томонидан гуруҳий установакалар мотивациясига экспериментал изоҳлар берилди. Шунингдек, француз социал психологлари (К. Фламент, Т. Монтановлин, С. Московики, Ж. П. Полмоу ва бошқ.) гуруҳларда ижтимоий-психологик ресурсларни таҳлил қилиб келмоқдалар. Россия социал психологлари (А. И. Донцов, Г. М. Андреева, Я. Л. Коломинский, Р. С. Немов ва уларнинг шогирдлари) томонидан кичик гуруҳларнинг уюшган жамоа сифатидаги ижтимоий психологик имкониятларини очиб беришга қаратилган методологик ва амалий-тадқиқот тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинган. Шундай бўлсада, ҳанузгача аниқ йўналтирилган ҳолда кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ алоҳида эмпирик тадқиқотлар олиб борилмаган. Чунки, йигирма биринчи асрга келиб инсоннинг психологик ресурсларига ва унинг ўзи дахлдор бўлган у ёки бу гуруҳда ижтимоий фаоллигига янада кенгрок кўламда эътибор қаратилаётганлиги кичик гуруҳлар фаоллигини психологик хизмат доирасида талқин қилиш ва шу талқинлар орқали тегишли илмий хулосалар чиқаришга бўлган эҳтиёж ниҳоят ортиб бормоқда. Шулардан келиб чиқиб мазкур муаммо алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Кичик гуруҳларни ижтимоий-психологик ўрганиш бўйича Р.С. Немов услуби имкониятларидан фойдаланиш ва таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг предмети:** Кичик гуруҳларни ўрганиш жараёнида Р.С. Немов услубини қўллаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Кичик гуруҳлар билан боғлиқ илмий адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Кичик гуруҳларни ижтимоий-психологик ўрганишда Р.С.Немов услубини қўллаш.
3. Гуруҳлардаги ижтимоий-психологик рельеф мотивациясини ўрганиш ва таҳлил қилиш.
4. Р.С. Немов услуби орқали шахслараро муносабатларни таҳлил қилиш.
5. Кичик мактаб ёшидаги болалар билиш жараёнларини ўрганиш бўйича ва шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятларини Р.С. Немов услуби орқали ўрганиш.

**Тадқиқот методлари:** Гуруҳларда ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларини аниқлаш бўйича “Гуруҳда ўз-ўзини баҳолаш” методикаси, “Педагогик вазиятлар” методикаси, “Темперамент хусусиятлари” , “Характер акцентуацияси”, “Луғат бойлигини аниқлаш” методикалари, шунингдек, хотирани ўрганувчи “Эслаб қол ва нуқталарни қўйиб чиқ”, тафаккур жараёнини ўрганиш бўйича “Ҳикоя” , “Шаклларни билиб ол”, “Рақамларни эслаб қол”, “Сўзларни ёдла”, “Нима ортиқча”, диққатни ўрганиш бўйича “Топ ва ўчир”, “Белгиларни қўйиб чиқ” методикалари.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

- Тадқиқотда илк маротаба кичик гуруҳларни ўрганиш бўйича Р.С. Немов услубини қўллаш.
- Кичик гуруҳларда ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларини аниқлаш бўйича Р.С. Немов шкаласини қўллаш.
- Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни аниқлашда турли методикалардан фойдаланиб, ижтимоий-психологик мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги.

- Гуруҳларда шахслараро муносабатларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш билан боғлиқ умумий кўрсаткичлар кўламининг тадқиқ этилганлиги.

- Тадқиқот натижаларидан фойдаланиб тегишли илмий-амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги.

### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:**

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, тадқиқотнинг натижалари ижтимоий психология фанидаги кичик гуруҳлар психологияси йўналишини янги илмий маълумотлар билан бойитади. Шунингдек, кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муайян тушунчаларни илмий жиҳатдан асослайди. Айни пайтда мазкур тадқиқот иши гуруҳий муносабат жараёнлари, шахс хусусиятлари, билиш жараёнлари ҳақидаги илмий қарашларни янги илмий мушоҳадалар билан бойитишга хизмат қилади ва тадқиқот материалларидан умумтаълим мактабларининг амалиётчи психологлари, гуруҳ раҳбарлари, ота-оналар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

# **I - боб. Р.С. Немовнинг ижтимоий психология соҳасига кўшган ҳиссаси.**

## **1.1. Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосининг ўрганилиши**

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан кичик гуруҳларга ўрганилишига муаммосига бағишланган ва унинг барча йўналишларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида кичик гуруҳларга ўрганилишига муаммосининг зарурлигини кўрсата олувчи ва унинг "методологик илдизларини" асослаб бера олувчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Жуда кўплаб илмий адабиётларда ва эмпирик маълумотларда гуруҳ ва унинг тузилиши, табиати ҳақида турфа хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Буларнинг барчасини ўзида мужассам этувчи, ижтимоий-психологик тадқиқотлар учун муҳим бўлган гуруҳ муаммоси билан боғлиқ фундаментал аниқлик ёки ноаниқликларни таҳлил қилишга тўғри келади. Қизиғи шундаки, яқин-яқинларгача барча ижтимоий психологик муаммолар фалсафа фанлар тизимида таҳлил қилиниб келинган. Кичик гуруҳлар муаммоси эса Платон томонидан ҳам, Аристотел томонидан ҳам ўрта асрларда деярли тилга олинмаган. Бугунги ижтимоий психология фани эса гуруҳлар айниқса кичик гуруҳлар муаммосига алоҳида эътибор қаратади. Чунки, ҳар бир шахс ва унинг ижтимоий тараққиёти гуруҳий идентификация жараёнига кўп жихатдан боғлиқдир. Умуман, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “гуруҳ” сўзи француз, немис, инглиз, испан ва бошқа тилларда асосан XVII асрнинг ўрталарида кириб келган. (Донцов А.И. Психология коллектива методологические проблемы исследования): Учеб.пособие. – М.: Изд-во Москва университети, 1984 – 208 с.). Айни шу пайтларда илк бор француз рассомлари томонидан ўз ватанларига Италиядан техник термин сифатида турли хил санъат асарлари мажмуасидан иборат бўлган “groupe” ёки

“ggrupo” сўзи олиб кирилди. Яъни у ёки бу санъат асарини қайсидир гуруҳга ажратиш учун бутун бир гуруҳдаги санъат асарлари ҳақида бир бутун тасаввур бўлиши керак эди. Шунингдек, француз социал психологлари томонидан 1668 йилда “groupe” (гуруҳ) сўзи адабий нутққа киритилди. Чунки, Д. Аньезе ва Ж. Мартэнлар томонидан изоҳланганидек, қадимий тилда, ҳамкорликда умумий мақсадни амалга оширувчи одамлар уюшмасини ифода этувчи ижтимоий-илмий тушунчанинг ўзи йўқ эди. (Anzicic D., Martin J.V. La Dynamique des groupes restreints. Paris, 1976 8-бет).

Рус социал психологи П. Л. Лавров томонидан 1859 йилда “Социал гуруҳлар термини кенгроқ кўламда ишлатила бошлади. Кейинчалик таниқли психолог М. Г. Ярошевский томонидан эса гуруҳнинг ўзига хос алоҳида “социал ҳодиса” эканлиги илмий тарзда шарҳлаб берилди. (Ярошевский М. Г. Психология в XX столетии. Теоретические проблемы развития психологической науки. М., 1974).

Умуман, кичик гуруҳларга реал инсоний муносабатлар мажмуаси деб қараш ғояси XX асрда социал психологиянинг муҳим йўналиши сифатида кенг тарғиб қилинди. Жумладан, йигирманчи асрнинг 10-20 йилларида В. М. Бехтерев ва М.В. Лангелар Россияда, В. Мёде Германияда Ф. Олпорт Америкада дастлабки эмпирик материалларни тўплаб унинг натижаларини илмий матбуотда эълон қилдилар.

Бугунги ижтимоий психология фанида Ғарб ва Шарқдаги турли хил олимлар томонидан кичик гуруҳлар динамикасини белгилаб берувчи турли хил мезонлар илмий матбуотда эълон қилинган. Жумладан Д. Картрейт ва А. Зандерлар томонидан гуруҳий динамика мезонларига қуйидагилар кирити-лади: (Cortwright D, Zander A. Group and group membership: introduction-In: D/ Cartwright and A. Zander (eds) Group Dynamics N.V., 1986.)

а) мунтазам равишда бир-бири билан ҳамкорлик қилиш; б) гуруҳ аъзоси сифатида ўз-ўзини аниқлаб олиш; в) бир-бирини қизиқтирувчи умумий иш тақсимотининг мавжудлиги; г) ягона тизимга хизмат қилувчи фаоллар тақсимотида иштирок этиш; д) ўзини бошқа объектлар ва идеаллар қаторида

кўриш; е) гуруҳни қониқиш манбаи сифатида идрок этишга интилиш; ж) ўзини кооператив ўзаро ҳамкорлик тизимида кўриш; з) ўзини алоҳида бирлик асосида ҳис этиш; и) ўзини ташқи муҳитга мослаштириш. Демак, муаллифларнинг мазкур қарашлари гуруҳлар динамикасини бугунги талаблар асосида талқин қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик гуруҳлар психологиясининг йирик намоёндалари Д. Анзье ва Ж. Мартэнлар (Anzien D., Martin J. V. *La Dynamique des groupes restreints*. Paris, 1976. – 23-24 бет) кичик гуруҳларга қуйидагича тавсиф беради: а) чегараланган сондаги аъзолар шундай ҳаракат қиладиларки, унда ҳар бир аъзонинг индивидуал фаоллиги ва тасаввурлари бошқалар томонидан яққол идрок этилиб туради; б) доимий тарздаги умумий фаоллик замирида гуруҳнинг умумий мақсади ва ҳар бир гуруҳ аъзосининг алоҳида мақсадларини ифода этувчи қизиқишларининг мавжудлиги; в) гуруҳ аъзоларининг эмоционал ўзаро ҳам-корлиги; г) гуруҳдаги кучли ўзаро боғлиқлик; д) гуруҳ аъзолари ўртасидаги Роллер дифференциясининг намоён этилиши; е) гуруҳдаги умумий ва махсус нормаларнинг ишлаб чиқиши ва унга амал қилиниши.

Албатта, мазкур тавсифлар замирида гуруҳларнинг ижтимоий-психологик табиатини асослаб берувчи фундаментал қарашларнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Таниқли социал психолог Р. Беллз томонидан ҳам кичик гуруҳларга қуйидагича таъриф берилади: “Кичик гуруҳ – бир-бири билан фаол ҳаракатда бўлувчи шундай маълум миқдордаги одамлар уюшмасики, унда шахсларнинг бир-бирлари билан фаол ўзаро ҳаракатлари туфайли ўз шахсий тасаввурлари асосида бевосита гуруҳ аъзолари билан мулоқотда бўладилар ва ҳар бир гуруҳ ҳаракатида умумий ва шахсий қарашларни ўзаро уйғунлаштириб борадилар” (Bazes R. *Interaction process analysis*. Cambridge. 1950 – 33 бет)

Шунингдек, “Кичик гуруҳ, – деб ёзади Д. Г. Хоманс, - бир-бирлари билан бевосита юзма-юз туриб ҳаракат қилиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган кам сонли айрим шахслар мажмуасидан иборатки, унда улар

маълум вақт давомида ўзаро ҳамкорликда бўла оладилар.” (Homans G.C The human group. N.V 1950 г – 84 бет).

Р.Кеттел кичик гуруҳларга ҳар бир шахснинг маълум даражадаги ижтимоий қониқиш ҳосил қилиши билан боғлиқ ҳаракатларининг ҳосиласи деб қарайди. “Гуруҳ ҳақида бизнинг таърифимиз, деб ёзади. Р. Кеттел,- гуруҳ бу индивидлар мажмуасидир, қайсики бу мажмуада ҳар бир аъзо ўзининг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш учун астойдил фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилади.” (Cattell R. В Ntw concerts For mtasuring Zeadership in terms of group syntasity.-Hum. Relat., 1951, v.4. стр-169)

П.Н. Шихирев Америка Қўшма штатларидаги социал психология фани тасарруфидаги кичик гуруҳларга берилган таърифларда акс эттирилган социал-психологик феноменларни танқидий таҳлил қилар экан уларга қўйидаги 6 та чегараланишнинг қўйилганлигини қайд этади. (Шихирев П.Н Современая социальная психология США. М., 1979. 137-бет). Унга кўра биринчи чегараланиш - гуруҳ ҳаракатларини ифодаловчи муҳит қайсики, у ташқи муҳитдаги оддий алоқалардан фарқ қилади. Иккинчи - доимийлик: респондентларнинг доимий алоқадалиги - ўқувчилар, талабалар ва ҳоказо. Учинчи - алоқанинг давомийлиги: гуруҳ аъзоларининг бир вақтда ёки бир нечта вақтда узвий боғланиб туриш. Тўртинчи - гуруҳ муаммоларининг характери: кўп ҳолларда реал ҳаётий топшириқлардан йироқ бўлишининг мумкинлиги. Бешинчи - хулқ атвор даражаларини ва ўзаро реакцияларнинг турли туман бўлиши. Олтинчи – чегара гуруҳдаги объект ва субъектларнинг миқдорий фарқлари ва уларнинг кўпроқ фоизи диадога асосланганлиги.

Умуман, америкалик социал психологлар кичик гуруҳлар муаммосига турлича ёндашадилар. Бу эса кичик гуруҳларда гуруҳий фаоллик муаммосига турлича илмий ёндашувлар мавжудлигидан далолат беради. Ҳозирги илмий матбуотда эса юқоридаги барча қарашларнинг ўзига хос методологик асослари мавжуд.

Рус психологларидан В.Н.Мясиҳевнинг “Шахснинг муносабатлар психологияси” концепсиясига кўра шахснинг “диалогик” хусусияти,

муомала характерининг шахсий тажрибаси ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабат маҳсули сифатида намоён бўлади. Бу эса кичик гуруҳларда кизиқиш даражаси эмоция кучи, хоҳиш, эҳтиёж, ижтимоий йўналганлик каби шахсни ҳаракатлантирувчи ички кучи таркиб топади ва бу унинг кечинмалари, хулқида, ҳаракатида ифодаланади. Айти пайтда В.Н.Мясиҳев томонидан яратилган шахслараро муносабатлар психологияси концепциясида шахснинг хусусиятлари, характери, майли, қобилиятига таъсир этувчи ижтимоий психологик омиллар асосида мулоқотда иштирок этувчиларнинг психологик ҳамкорлиги алоҳида қайд этилади. (В.Н.Мясиҳев Психология отношений – М., 1994-154 с.) Г.М.Андреева томонидан кичик гуруҳларда шахслараро муносабатларда юзага келадиган қуйидаги 3 хил вазифалар ва мураккаб жараёнлар тузилмаси таклиф этилади: (Андреева Г.М. Социальная психология учебник для Вузов. – М.: Аспект-Пресс, 2001-378с.)

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони, яъни ўзаро муносабат ёки мулоқотга киришувчиларнинг ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёни сифатида;

2. Мулоқотнинг интерактив томони, яъни мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларига таъсир жараёни сифатида;

3. Мулоқотнинг перцептив томони, яъни мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунчалари билан боғлиқ жараён сифатида.

Мазкур мулоқотлар таҳлилининг берилиши кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабат психологиясини тадқиқ қилишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ғарбда, айниқса, АҚШда кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш жараёни билан боғлиқ интеракция ва коммуникация йўналиши тарафдорлари: Г.Зимнел, Г.Кули, кейинроқ Р.Бейлс, Д.Картрайт, Г.Хоманс, С.Аш, Р.Кратчфилдлар симпатия, антипатия, бифарқлик, яккаланиб қолиш, фаоллик, агрессия, бўйсунтиш каби жиҳатларни ўз илмий тадқиқотларида чуқур ўргандилар.

Шахслараро муносабатларда шахсларнинг ўзаро жипс, ҳамжихат яшашлари учун “ёқимтойлик” катта роль ўйнаши, бу эса уларнинг бир-бирларига боғлиқлиги қолишларига сабаб бўлиши аниқланди (С.Шахтер, А.Лотт, Т.Ньюком (132,48)).

Ғарб ижтимоий психологиясида кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатларга ҳиссиёт билан боғлиқ феномен сифатида қаралади. Дж. Морено томонидан ўзаро муносабатларда симпатия ва антипатияда шахсларнинг ёқимтойлиги, аттрактивлигини социометрик тадқиқотлар ёрдамида таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, кичик гуруҳлардаги ўзаро бир-бирини тушуниш муаммоси турлича талқин қилинади жумладан: ўзаро таъсирга киришувчи шеригининг мақсад, мотив, установакаларини тушуниш ёки нафақат уларни тушуниш, балки шу билан бирга, мақсад, мотив, установакаларини ўз фаолиятида идрок этиш мотивациясига алоҳида урғу берилади.

Мулоқотнинг ушбу томони мазмунини очиқ беришдан аввал, қўлланилаётган терминларни аниқлаб олиш лозим. Кўпинча кишини киши томонидан идрок этилиши “ижтимоий перцепция” сифатида қаралади. “Ижтимоий перцепция” термини биринчи мартаба 1947 йилда Дж.Брунер томонидан идрокка янгича нигоҳ (New Look) сифатида қўлланилган. Даставвал ижтимоий перцепция деганда перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминацияси тушунилган. Кейинчалик тадқиқотчилар, хусусан ижтимоий психологияда бу тушунчага ўзгача маъно бердилар. (Андреева Г.М. [18; 117] ).

Ижтимоий перцепция деганда ижтимоий объектлар – бошқа одамлар, ижтимоий гуруҳлар катта ижтимоий бирлашмаларнинг идрок қилиш жараёни тушунила бошланди. Ижтимоий психологик адабиётларда ушбу термин айнан мана шу мазмунда қўлланилади. Шу туфайли, инсонни инсон томонидан идрок этилиши ижтимоий перцепция соҳасига тегишли бўлгани билан уни тўла қамраб олмайди.

Ижтимоий перцепция жараёнларини тўла ҳажмда тасаввур қиладиган бўлсак, мураккаб ва кўп тармоқли тизим юзага келади. У нафақат объект, балки идрок субъектининг ҳам турли вариантларини ўз ичига олади. Унга кўра идрок ўз гуруҳига тааллуқли бўлган бошқа индивид тимсолидаги “бегона” гуруҳни идрок этиши мумкин.

Кичик гуруҳлардаги мулоқот мотивацияси талқини С.Л.Рубинштейн карашларида ҳам ўз ифодасини топган. “Кундалик ҳаётда, одамлар билан муносабатга киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-атвориغا қараб мўлжал оламиз. Негаки, биз уларнинг ташқи маълумотлари моҳиятини гўё “уқиб”, яъни “мағзини чақиб” оламиз ва шу йўсинда контекста мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз. Бундай “ўқиш” наридан бери, тез юз беради. Чунки, теварак-атрофдагилар билан мулоқот жараёнида бизда муайян даражада уларнинг феъл-атвориغا нисбатан автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади. (С.Л.Рубинштейн Основы обхей психологии. М.: Пед-ка 1984-64 с. )

Мулоқот жараёнида кам деганда икки киши жалб этилган бўлади ва уларнинг ҳар бири фаол субъект ҳисобланади. Шундай экан, ўзини бошқа киши билан таққослаш икки томондан амалга оширилади: шериклардан бири ўзини иккинчисига айнанлаштиради, ўзини унга ўхшатади. Демак, ўзаро таъсир стратегиясини куришда мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири нафақат шерикларнинг эҳтиёж, мотив, установакаларини ҳисобга олишлари, балки шериклар ўзларининг эҳтиёж, мотив, установакаларини қандай тушунишларини билишлари ҳам муҳимдир. Буларнинг барчаси шундай хулосага олиб келадики, ўзини англаш, бошқа киши орқали таҳлил қилиш икки томон: идентификация ва рефлексияни ўз ичига олади. Буларнинг ҳар бирини алоҳида муҳокама қиламиз.

“Идентификация” термини ўзини бошқа кишига ўхшатиш маъносини англатади. Идентификация – бу кишининг ўзини кишига, гуруҳга, намунага ўхшатишидир. Идентификация бошқа кишиларнинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини тушунишга ёрдам беради. Инсон ўзаро биргаликда ҳаракат

килиш вазиятларида бошқа кишини ўзининг ўрнига қўйиб кўришга уринган ҳолда, унинг ички ҳолатини, ниятлари, ўй-фикрлари, майллари ва ҳис-туйғулари ҳақида тахмин қиладилар. Бу ўзаро бир-бирини тушунишга эришишнинг ягона усули бўлмаса-да, реал вазиятларда ўзаро таъсир жараёнида кишилар бу усулдан фойдаланадилар. Бунда идентификация бошқа кишини англашга ва тушунишнинг механизмларидан бири сифатида намоён бўлади. Идентификация жараёни ва унинг мулоқотдаги ролини аниқлашга бағишланган экспериментал тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, бу тадқиқотлар натижасида идентификация билан унинг мазмунига яқин бўлган эмпатия ўртасида узвий алоқа мавжудлиги аниқланган.

Аmmo субъектга муносабат бошқа кишини фақат ундан ўзини четлаштирган ҳолда, ташқаридан туриб тушуниш эмас, балки ўзи билан мулоқотга киришган индивидни уни қандай қабул қилиши, унинг ўзини қай тарзда идрок этиши ва тушуниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Субъектнинг у билан муносабатга киришган шериги томонидан қай тарзда идрок этилишини англаб этиши рефлексия деб аталади. Рефлексия бошқа кишини идрок этиш таркибига киради. Бошқа одамни идрок этиш, жумладан, идрок этиш субъекти сифатида ўзига нисбатан унинг муносабатини англаб этиши, деган маънони билдиради. Шундай қилиб, кишининг киши томонидан идрок этилишини кўзгудаги қўшалок аксга ўхшатиш мумкин. Киши бошқа бировни акс эттираркан, ўша кишининг идрок этиш кўзгусида ўзини ҳам акс эттиради.

Ижтимоий психологияда рефлексияни тадқиқ этиш анъанаси қадимий ҳисобланади. ХХI асрда Дж. Холмс диададаги мулоқот вазиятини тасвирлаб берар экан, ҳақиқатан, бу вазиятда камида олтига киши иштирок этишини таъкидлайди.

Рефлексия идентификацияга ўхшаб, бошқа кишининг ички ҳолатига кира олиш, унинг ниятлари, мотив, фикр ҳиссиётларини била олишга имкон берувчи механизм ҳисобланади. Кундалик ҳаётимизда идентификация ва рефлексия онгсизлик даражасида амалга оширилади. Инсон бошқа кишига ўзининг мотив ва хулқ-атворини кўчириши мумкин. Бу ҳолда хатога йўл

кўйиш, яъни бошқа кишини ортиқча баҳолаш ёки етарлича баҳо бермаслик ҳам мумкин.

Агар ҳар бир киши ўзи муносабатга киришган одамлар тўғрисида доим тўлиқ, илмий асосланган ахборотга эга бўлганида улар билан бўладиган ўзаро ҳаракат тактикасини беҳато ва аниқ ишлаб чиқиши мумкин бўларди. Лекин субъект кундалик ҳаётда, одатда, бунақа аниқ ахборотга эга бўлавермайди, бу эса уни уларнинг қилган ишлари ва ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини, ҳис туйғуларини, ниятларини, ўй-фикрларини ва хулқ-атвор мотивларини бошқа кишига тўнкаш йўли билан тушунтиради. Бу ижтимоий психологияда каузал атрибуция деб аталади.

Каузал атрибуция кўпинча англанилмаган ҳолда ё бошқа кишига ўхшатиш негизида, яъни субъектнинг ўзи худда шундай вазиятда у пайқашни мумкин, деб ҳисоблайдиган мотивлар ёки ҳис-туйғуларнинг бошқа бировга хослиги таъкидланган пайтда, ё мулоқотга киришган шерикни ўзларига нисбатан баъзи бир қолипдаги тасаввурлар ҳосил бўладиган шахсларнинг муайян тоифасига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Демак, юқорида шахслараро муносабатни амалий ўрганиш воситаларини таҳлилига кўра баён этилган методикаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, Дж.Моренонинг социометрик тести шахслараро муносабатни субъектив танлаши асосида диагностика қилишга мўлжалланганлигини кўраимиз.

Мазкур методика асосида етарлича тадқиқотлар олиб борилган (В.Б.Ольшанский, И.П.Волков, Я.Л.Коломинский, В.И.Паниотто ва бошқалар).

Социометриянинг бугунги кунда татбиқ этилган янги модификациялари мавжудки, улардан бири аутосоциометрия методикаси деб номланади (Даминин К.Е. Формирование внутри групповых установок и рефлексивной структуры группы (межличностное восприятие в группе) – М., 1981 – 168 с.). Бу модификацияда шахслараро муносабат респондентларнинг ўзлари томонидан инсонларнинг бир-бирига ва ўзига муносабатини

аниқланиши кўзда тутилган. Ушбу методиканинг Я.Л.Коломинский томонидан тақдим қилинган модификациясида болалар варианти ҳам мавжуд бўлиб, у болалар гуруҳи аъзоларининг бир-бирига муносабати, ижтимоий статусини, ижтимоий установакани, ўзаро муносабат жараёнида тенгдошларининг кечинмалари ва уларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниш даражасини ўрганишга қаратилганлиги билан қимматлидир.

Дж.Кютнинг кичик гуруҳларда шахслараро муносабатни символли моделлаштириш методикасида респондентларга ҳар хил масофада жойлашган стол ва стуллар фотографиялар тўплами тақдим этилади. Респондентлардан улар ичидан энг комфорт жойлашганлигини танлаш таклиф этилади. Ушбу методиканинг бошқа вариантида эса респондентлардан анча фаолликни талаб этадики, уларнинг ўзлари вазиятларни тузиб чиқишлари лозим бўлади. Вазиятларни ҳосил қилишда одамлар ва ўйинчоқлар ҳамда бошқа объектлардан фойдаланадилар. Бу ерда символлар, объектларни жойлашувига, инсонлар ўртасидаги масофага қараб, муаллиф муносабатлар тўғрисида хулосага келади.

Бу борада кичик гуруҳлар доирасида кичик гуруҳларда ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларини аниқлаш бўйича Р.С. Немов шкаласи орқали гуруҳларни ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш мумкинлиги мавзунинг асосий мақсади эканлигини таъкидлаш жоиз.

Америкалик психолог Дж.Гоух томонидан тақдим этилган шахсни психологик ўрганиш Калифорния сўровномасининг мақсади-маълум вазиятларга одамлар қандай қарайдилар ва бу ҳақида нима дейишлари орқали шахснинг социал психологик характеристикаси ёритилади. Саволнома 480 та саволдан иборат бўлиб, 18 та шкаладан иборат стандарт меъёрга эга. Саволнома шкалалари таҳлил этиш вақтида тўрт гуруҳга бирлаштирилиб интерпретация қилинади.

Дастлабки 6 шкала биринчи гуруҳга кириб, уларда шахслараро муносабатдаги мувозанатлашганлик, ўзига ишонч ва адекватликни баҳолашга қаратилган.

Иккинчи гуруҳ шкалалари шахснинг етуклик ва ижтимоийлашувини, унинг маъсулияти ва шахслараро қадриятларини ёритишга қаратилган бўлиб, бу гуруҳда ҳам 6 та шкала мавжуд. Учинчи гуруҳдаги шкалалар инсоннинг эришганлик ва камолоти, унинг интеллектуал имкониятларини баҳолайди, унда комформлик, мустақиллик ва интеллектуал самарадорлик шкалалари мужассамлашган. Тўртинчи гуруҳга психологик хусусиятга эгаллик, эгилувчанлик ва назокатлиликдан иборат учта шкала ўрин олган бўлиб, омадлилик туйғуси, яхши таассурот ва одатликка хосликни баҳолайди (Т.Лири методикаси).

Демак, кичик гуруҳлар илмий таҳлиliga бағишланган юқоридаги методик ёндашувларнинг барчасида хорижлик олимлар у ёки бу даражадаги гуруҳий фаоллик мезонларини илмий асослашга ҳаракат қиладилар. Бу эса гуруҳлар психологиясини бугунги талаблар асосида талқин қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, гуруҳларга психологик хизмат муаммоси ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам ўзига хос тарзда талқин қилинади.

Бинобарин, психологик хизмат-ижтимоий психологик муаммо сифатида талқин қилинар экан, барча ривожланган мамлакатлардаги каби, Ўзбекистонда ҳам мазкур психологик хизмат муаммосининг қай тариқа ва қандай илмий-ташкилий асосларда бартараф этилаётганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Республикада психологик хизматга оид олиб борилаётган назарий-илмий ва амалий-услубий тадқиқотлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, Ўзбекистонда психологик хизматни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Ўзбекистонда психологик хизмат таркиб топишининг дастлабки илдизлари ва интиҳоси асримизнинг 30- йилларидаги психология фани ва психологик хизмат фаолиятларига бориб тақалади. Архивдан олинган маълумотларга қараганда, мазкур йилларда таълим жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ психологик омилларга асосланган ва бу талайгина яхши натижалар ҳам берган. Бироқ,

афсуски, ўша даврдаги давлат мафкуриси ва халқ таълими ўртасида пайдо бўлган айрим объектив ва субъектив зиддиятлар оқими умумтаълим мактаблари учун муҳим аҳамият касб этган психологик хизмат илдизига болта урди ва уни расмий тарзда йўққа чиқарди. (Батафсил маълумотларни Ўзбекистон Архивида сақланувчи ҳужжатлардан олиш мумкин). Натижада, педагогик психология йўли билан бажариладиган барча ишлар мактабда фақат педагогик ёндашувлар асосидагина амалга оширилди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги умумтаълим тизими билан боғлиқ изланишлар ва тадқиқотлар тўхтаб қолгани йўқ. Айниқса, П. И. Иванов, В. Э. Чудновский, М. Г. Давлетшин, М. Воҳидовлар томонидан ишлаб чиқилган қатор илмий ва методик тавсиялар мактабда психологик хизмат татбиқини яратиш учун маълум даражада асос бўлиб келди. Бинобарин, 70-80-йилларда Тошкент Давлат Университети психология кафедраси олимлари томонидан ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ҳаётга татбиқини амалга ошириш мақсадида талайгина меҳнат жамоаларида психологик хизмат тизими жорий қилинди ва Республикамизда илк бор қатор меҳнат ва ишлаб чиқариш жамоаларида инсон ва меҳнат фаолияти, шахс ва шахслараро муносабатлар, ишчи ва раҳбар, руҳият ва рентабеллик, раҳбар ва жамоа психологияси билан боғлиқ илмий-амалий ишлар олиб борилди. Шунингдек, 60-70 йилларда Ўзбекистон Педагогик Фанлар Илмий Текшириш институти ходимлари П.П.Зимин, В.А.Токарева, М.Ш.Расулова, М.Дадажоновлар томонидан мактабда психологик хизмат татбиқини ўрганишга оид қатор изланишлар, амалий тадбирлар олиб борилди. Айниқса, 1966 йилда Чирчиқ шаҳрида ахлоқий тарбияга оид, 1973 йилда Андижонда оилавий тарбияга оид, Самарқандда таниқли психолог Н.А.Менчинская иштирокида ақлий тараққиёт муаммоларига оид олиб борилган изланишларни алоҳида қайд этиш мумкин (Бу ҳақдаги батафсил маълумотларни ЎзПФТИ Архивида сақланувчи шу йиллардаги ҳисоботлар ҳужжатида олиш мумкин). Умуман, Ўзбекистонда ташкил қилинган психологик хизмат тизими ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида психологик

хизмат татбиқ этилишининг айрим натижаларига ҳам қисман бўлсада тўхталишга тўғри келади.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлод келажагини ҳар томонлама такомиллашган ва ижтимоий тараққиёт талабларига тўла-текис жавоб бера олувчи таълим тизимининг муваффақиятли татбиқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълимнинг муваффақияти эса ташкил этилган ўқув фаолиятининг ҳар бир ўқувчи шахсига, унинг ижтимоий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу масъулиятли вазифани, айниқса, бугунги кунда психологик хизматсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда, ўқувчиларни у ёки бу касбга йўналтиришдаги ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини ва қизиқишларини аниқлашда, уларни ўз-ўзини англашларида, ўқув жараёни, ўқувчилар жамоаси, ўқувчи-ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиш йўллари излашдаги психолог-олимларнинг бугунги ютуқлари ҳақида етарли далиллар мавжуд. Масалан, И.В.Дубровина тадқиқотларида мактабда психологик хизматни ташкил этишдаги назарий ва амалий жиҳатларнинг асосланиши, Л.И.Божовичнинг ўқувчи шахси ва унинг мактаб ёшидаги шаклланиш босқичларини психологик таснифловчи эмпирик маълумотлари, А.Г.Асмоловнинг ўқувчи фаолияти ва установка уйғунлигини изоҳлаб берувчи тадқиқотлари, Д.И.Фельдштейннинг онтогенезда ривожланувчи шахс ижтимоий тараққиётининг психологик қонуниятларини очиб беришга қаратилган қатор илмий-тадқиқий кўрсатмалари, Е.А.Климовнинг ўқувчини касбга йўналтиришдаги индивидуал услубни ўзида мужассамлаштирган психологик мезонлар ишланмалари, Б.С.Мерлиннинг ўқувчи шахсидаги индивидуал ва социал типик хусусиятлар психологиясини изоҳлаб беришга қаратилган асарлари, Э.Ғ. Ғозиевнинг таълим муассасаларидаги психологик хизмат вазифаларини қайд этишга бағишланган кўрсатмалари, М.Ғ.Давлетшиннинг Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги

ҳолати ва вазифаларини талқин қилишга қаратилган илмий-амалий фикр-мулоҳазалари, В.А.Токареванинг ўқувчи шахси тараққиёти учун муҳим бўлган ўз-ўзини билиш ва ахлоқий ривожланиш имкониятларини очиқ беришга қаратилган илмий ва эмпирик маълумотлари, Ғ.Б. Шоумаровнинг Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг жорий этилиши билан боғлиқ янгиликлар, муаммолар ва ечимларга бағишланган назарий-илмий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазалари, Б.Р.Қодировнинг Ўзбекистондаги иқтидорли ва истеъдодли болаларни танлаш ва тарбиялашга қаратилган қатор назарий-илмий ва амалий-услубий асарлари шулар жумласидандир.

Айниқса, бугунги кунда ўзбекистонлик психологлар гуруҳи томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақидаги Низом”нинг ишлаб чиқилиши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиши Ўзбекистондаги психологик хизмат тизимининг расмий тарзда “жонланиши” ва тараққий этиб бориши учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Табиийки, ушбу “Низом” таълим муассасаларида татбиқ этилажак психологик хизмат тизимининг асл мақсади, мазмуни, моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва асосий йўналишлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш ва шу тасаввур асосида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун ўзига хос қўлланма ва йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, ҳозирги ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммоси кенг қўламда тадқиқ қилинаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бугунги ижтимоий тараққиёт ва одамлар онгининг интенсив равишда ривожланиб бориши, қолаверса ҳар жиҳатдан мураккаб бўлган шахс ва шахслараро муносабатларнинг ўта мураккаб ижтимоий жараён эканлигини инобатга олиб ҳар бир гуруҳий ҳодисага алоҳида таҳлиллар асосида ёндашувнинг муқаррар эканлигини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда. Шу нуқтаи назардан

юқоридаги барча назарий таҳлиллар кичик гуруҳларни алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганишни тақозо этади.

Умуман, юқоридаги назарий таҳлилларни умумлаштирадиган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак мазкур муаммонинг илмий адабиётларда ёритилиши бўйича қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

1. Ғарб психологиясида кичик гуруҳлар муаммоси респондентларнинг доимий алоқадорлиги, кам сонли шахслар мажмуасининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари, ҳар бир гуруҳдаги объект ва субъектларнинг ўзаро дидага асосланган миқдорий фарқларини англаш, гуруҳий идентификация жараёни билан боғлиқ ўзаро тасаввурларнинг шаклланиши, илмий мушоҳадалар мажмуаси марказий ўринда туради.

2. Рус психологиясида кичик гуруҳлар муаммоси ҳар бир гуруҳ аъзоларининг эмоционаллиги, хохиши, эҳтиёжлари ва ўзига хос ижтимоий йўналганлиги каби ҳолатлар асосида талқин қилинади. Бу талқинлар марказида эса кичик гуруҳларни ҳаракатга келтирувчи куч бу мулоқотнинг ўзига хос коммуникатив, интерактив ва перцептив томонлари алоҳида ўрин тутади.

3. Бугунги илғор ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосини у ёки бу гуруҳдаги идентификация жараёни ҳамда унинг ўзаро фаолиятда ва мулоқотдаги ролини аниқлашга қаратилган экспериментал тадқиқотлар натижаларига таяниб ҳал қилиш тенденциясининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш мумкин бўлади.

## **1.2. Гуруҳларнинг психологик имкониятларини ўрганиш бўйича**

### **Р.С.Немов услуби.**

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш муаммосига бағишланган ва унинг барча йўналишларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида психологик хизмат муаммосининг зарурлигини кўрсата олувчи ва унинг "методологик

илдизларини" асослаб бера олувчи илмий тадқиқодларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Мазкур адабиётларни таҳлил қилишда психологик хизмат методологиясига тааллуқли айрим умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш муҳим ўрин тутди.

Чунончи, барча тадқиқотчилар ҳам ижтимоий психологиянинг методологик тамойилларига амал қилган ҳолда психологик хизмат учун муҳим бўлган у ёки бу жиҳатни назарий-илмий тарзда асослаб берадилар. Булар ичида психологик хизматнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун муҳим назарий-илмий аҳамият касб этувчи ижтимоий психологик вазифаларни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни (Андреева Г.М. Давлетшин М.Г., Забродин Ю.М., Карнеги Д., Каримова В.М., Паригин Б.Д., Снигирева Т.В., Филиппов А.В., Шихирев П.Н., Шоумаров Ғ.Б., Ядов В.А., Ғозиев Э.Ғ.), кичик гуруҳларда шахс фаоллиги билан боғлиқ тадқиқотларни (Абульханова-Славская К.А., Ануфриев Е.А., Гримак Л.П., Ломов Б.Ф., Лейтес Н.С., Голубева Э.А., Қодиров Б.Р.), Липкина А.И., Петровский В.А., Рубинштейн С.Л., Қодиров Б.Р.; кичик гуруҳларда ижтимоий установкаларнинг шаклланишини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларни (Асмолов А.Г., Надирашвили Ш.А., Узнадзе Д.Н., Шихирев П.Н., Allport G.W.); гуруҳий фаолликка ундовчи эҳтиёжлар ва фаолиятдан қониқиш билан боғлиқ тадқиқотларни (Божович Л.И., Братко А.А., Вилюнас В.К., Додонов Б.И., Китвел Т.А. Maslow А.Н.); кичик гуруҳлар шароитида шахсга индивидуал ёндашувнинг таъминланиши билан боғлиқ тадқиқотларни (Климов Е.А., Мерлин Б.С., Небилицин В.Д., Пейсахов Н.М., Русалов В.М., Славина Л.С., Стреляу А., Теплов Б.М.); шахсга муносабат тизими асосида ёндашув истиқболларига бағишланган тадқиқотларни (Здравомислов А.Г., Кузмин Е.С., Лазурский А.Ф., Муксинов Р.И., Мясихев В.Н., Столин В.В., Ҳербаков А.И., Богославский В.В.); шахсга ҳиссий-иродавий сифатлар асосида ёндашув истиқболларини тадқиқ қилувчи тадқиқотларни (Бассин Ф.В., Василюк Ф.Е., Гиссен Л.Д., Зильберман П.Б., Конопкин О.А., Мажидов

Н., Наенко Н.И., Прихожан А.М., Розелнблат В.В., Хекхаузен Х., Эберлейн Г., Невв Д.О.); таълим муассасаларида психологик хизмат моделини тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотларни (Брейнштейн М.С., Дубровина И.В., Кала У.В., Рудик В.В., Лейметс Х.О., Маттес Г.О., Пратуевич Ю.М., Сизэрд Ю.Л.) ва нихоят оилавий ҳаётни ташкил этишдаги психологик хизмат учун муҳим жиҳатларни асослашга қаратилган тадқиқотларни (М.Аргой, Бодалев А.А., Столин В.В., Каримова В.М., Ковалев С.В., Соғинов Н.А., Шоумаров Ғ.Б.) алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бугунги кундаги айрим долзарб жиҳатлари, муаммолари ва унинг ечимлари ҳақида ўйлашга, фикр мулоҳаза юритишга ва ўз тадқиқотимиз вазифаларини белгилаб олишга назарий-илмий ва методологик манба сифатида ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Зеро, бугунги кунгача яратилган барча ижтимоий психологик принципларнинг асосий мезонлари бўлган "шахс ва фаолият бирлиги", "онгнинг фаолиятда тараққийси", "муомала", "индивидуал ёндошув" "муносабат", "турмуш тарзи", "ижтимоий установка", "борликни объектив ва субъектив акс эттириш", "жамоа", "ижтимоий қониқиш", "ижтимоий хулқ-атвор" кабиларнинг жамиятдаги амалий ўрни ва истиқболини психологик хизмат тадбиқисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, олимлар томонидан бугунги кунда ижтимоий-психологик ходисаларга инсон тараққиёти ва қадриятлари асосида ёндошув муаммосининг ўртага ташланиши психологик хизмат методологияси ҳақида жиддийроқ ўйлашни ва мулоҳаза юритишни тақозо этмоқда.

Бугунги психология фани тараққиёти анъаналари билан боғлиқ инсоннинг амалий психологиясини, унинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ва ижтимоий табиатидан ажратиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, инсон омилларини ва унинг жамиятдаги ижтимоий жараёнларини тўғри ва самарали бошқариш жараёни жамиятга ва жамият аъзоларига психологик хизмат кўрсатиш муқаррарлигини талаб қилади. Бинобарин, ҳар бир фаннинг ривожланиши янги далиллар асосида илмий йуналишни очиб

берувчи методик курилмаларнинг тузилиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки, аниқ методология бўлмаган соҳада аниқ амалий натижалар ҳам бўлмайди. Зеро, ижтимоий психология фанининг яна бир муҳим янги вазифаси психологик хизмат методологияси билан боғлиқ назарий, амалий ва эмпирик йўналишдаги тадқиқотлар кўламини белгилашнинг бугунги кунгача нечоғлиқ ҳал қилинаётганлигини таҳлил қилишга тўғри келади. Бу борада психология оламида ҳанузгача аниқ ва мукамал тарзда ишлаб чиқилган ва расмий тарзда тан олинган ягона илмий йўналиш ёки концепциянинг қабул қилинмаганлиги (балки олимларнинг илмий-психологик қарашлари турлича бўлганлиги учун бунинг иложи ҳам йўқдир) аён бўлсада, илғор ғарб психология вакиллари, шу жумладан, марказий ҳамдўстлик давлатлари психологлари ва ўзбекистонлик психологлар томонидан олиб борилган ва олиб борилаётган фан олами учун ўзига хос салоҳиятга ва нуфузга эга бўлган тадқиқотлар мавжудки, улар қайсидир жиҳати билан психологик хизмат модели ва ижтимоий истиқболлари ҳақидаги илмий-амалий тасаввурларимизни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Илмий адабиётлардан бизга маълум бўлишича, ижтимоий психологик хизмат методологиясининг умумий йўналишлари ифодаланган. Ғарб ижтимоий психология намояндалари тадқиқотларини кўйидагича изохлаш мумкин: В.Вундтнинг 1900 йилда чоп этилган "Халқлар психологияси" номли йирик (ўн томлик) эпик асари ижтимоий психология йўналишларини ёрқинлаштиришга хизмат қилиб, инсон маънавияти, маданияти ва мафқурасини ўрганишнинг мураккаб томонларини очиб берди. Таниқли инглиз психологи Вильям Макдугаллнинг 1908 йилда ёзилган "Ижтимоий психологияга кириш" асаридаги "ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари" назарияси фрейдизмга қарши ўлароқ инсон инстинктлари ва фаолият уйғунлигини таъминлаш муаммосини ёритишга илк бор асос бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, Э.Фромм, Ж.Саливен, В.Шутц, Г.Шепарде, В.Байон каби олимлар томонидан гуруҳлар психологияси назариясини яратишга асос солинди. Бунда турли хил ижтимоий психологик тренинглари

оркали гуруҳдаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ психологик иқлимни камол топтириш йўлларининг илк бор кўрсатилиши меҳнат жамоаларидаги ижтимоий психологик хизмат вазифаларини белгилаш учун маълум даражадаги эмпирик маълумот сифатида хизмат қилиши мумкин. Ғарбда яратилган когнитивизм доирасидаги назариялар психологик хизмат методологияси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Л.Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси (инсоннинг фаолият объектига нисбатан ҳулқ-атвори ёки муносабатини онгли равишда ўзгартиришга асосланган), Т.Ньюхемнинг ҳамкорлик коммуникатив назарияси (ўзгаларга ва умумий фаолият объектига ижобий муносабатларни таркиб топтиришга асосланган), Ч.Осгуд ва П.Таненбауманинг "конгруэнтлик" (инсон когнитив тузилиши асосидаги объектни баҳолашга қаратилган) назарияси, Г.Олпорт, А. Маслоу, К.Роджерс каби ижтимоий психологларнинг гуманистик доирадаги қатор тадқиқий изланишлари шулар жумласидандир. Яна шуни қайд этиш керакки, америкалик таниқли психолог Абраҳам Харольд Маслаунинг "Инсонга бир бутун ёндашув концепцияси" психологик хизмат жараёнида инсонни тушуниш ва ижтимоий мотивацион ривожлантириш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Маслоунинг фикрича, инсоннинг барча туғма потенциал имкониятлари фақатгина ижтимоий шарт-шароитнинг яратилиши билан руёбга чиқиши ва камол топиши мумкин. Албатта, мазкур фикрларнинг не чоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлари кўламини ўрганиш ва тарбиялашни асосий вазифа қилиб олган психологик хизматнинг ташкил этилишини мунтазам кузатишларимиз натижалари тасдиқлаб турибди.

Умуман, психологик хизматнинг маълум бир қисми бўлган кичик гуруҳларга психологик ёрдам кўрсатишнинг назарий ва методологик илдизлари турли гуруҳдаги олимлар томонидан шахс ва фаолият

уйғунлигининг психологик таъминланиши билан баҳолаш тенденциясига амал қилиниши кузатилади. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Шахс фаолиятини нафақат алоҳида психологик жараёнлар мажмуаси, балки унинг бир бутун тизимдан иборат бўлган ижтимоий -субъектив мавжудот сифатидаги ҳаракатлари билан белгилаш (Б.Г.Ананьев , К.К.Платонов , Е.В.Шорохова, В.С.Мерлин ва бошқалар). Бунда ҳар бир шахсга индивидуал ва ижтимоий тараққиётга йуналтирилган умумий ҳаракатлар мажмуаси, деб қаралади ва изоҳ берилади. Бу назария маълум маънода, шахс ва фаолият тараққиётидаги уйғунликнинг ўзига хос иерархик тизим асосида қарор топтирилишини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар мажмуасини ишлаб чиқиш зарурлигини уқ тиради (диссертациянинг кичик гуруҳларни эмпирик ўрганиш билан боғлиқ иккинчи бобида қайд этилган методик ишланмалар маълум даражада шу назарияга асосланган).

II. Шахс фаолиятини шахснинг ижтимоий муҳитга ва ўзга шахсларга бўлган муносабатининг маҳсули сифатида тадқиқ қилиш. Барча "ташқи" ижтимоий кўзғовчилар шахснинг "ички" психологик имкониятларини намоён қилишга, аниқроғи ривожлантиришга хизмат қилади (С.Л.Рубинштейн). Шу боисдан ҳам шахс объектив борлиқ билан фаол муносабатда бўлади. (Виготский Л.С, Божович Л.И., Филипов А.В., Петровский А.В., қолаверса, инсон муносабатлари унинг хулқ-атворида, ички дунёсининг шаклланишида акс этган барча психологик жараёнларида муҳим бошқарувчилик ролини ўйнайди. Шу боис муносабат инсон фаоллигининг бош мезони сифатида намоён бўлади(Мясишев В.Н.). Тадқиқотимизда шахслараро фаоллик мезонларининг ишлаб чиқилиши (иккинчи боб) ва психологик хизмат жараёнидаги муносабатга асосланган гуруҳий фаоллик кўрсаткичларининг белгиланиши (учинчи боб) мазкур назарий ва методологик ғояларга асосланади.

III. Шахс фаолиятига индивидуал-психологик ва психофизиологик хусусиятларни таркиб топтириш ва ривожлантириш маҳсули сифатида қараш (Голубева Э.А., Небилицин В.Д., Климов Е.А., Лейтес Н.С., Қодиров Б.Р.,

Богданов В.А., Теплов Б.М. ва бош калар). Бунда, инсоннинг психологик кифоати ва фаоллиги нафақат ижтимоий, балки индивидуал-типологик хусусиятларининг тараққий қилиши асосида ҳам камол топиши тадқиқ қилинади ва айни пайтда фаоллик-шахсдаги индивидуал ва интеллектуал тараққиёт намоён бўлишининг нейрофизиологик асоси эканлиги эътироф этилади. Индивидуал услуб мезонлари асосида гуруҳий фаоллик мотивацияларининг қарор топтирилишини тадқиқ қилиш жараёни билан боғлиқ илмий-амалий ва эмпирик хулосаларимиз (ишнинг иккинчи ва учинчи бобларида батафсил қайд этилган) мазкур йўналишдаги методологик тамойилларга асосланади.

IV. Шахс фаолиятини ижтимоий-психологик йўналишларга асосланган ва эмоционал-мотивацион мақомга эга бўлган жараён сифатида талқин қилиш (Андреева Г.М., Столин В.В., Бодалев А.А., Мерлин В.С., Коломинский Я.Н., Кон И.С., Ануфриев Е.А., Анциферова Л.И., Шоумаров Ғ.Б., Токарева В.А., Файзуллаев А.А.). Бунда, шахс ва гуруҳий фаоллик мотивацияларининг маҳсули- турли ижтимоий - тарихий ва социал-психологик шароитларда хулқ-атвор ва фаолият мотивациясининг юқори даражада намоён бўлиши асосида тушунилади ва тадқиқ қилинади. (тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган айрим ижтимоий-психологик мезонлар мазкур ғояларга қисман бўлсада асосланади)

Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқот йўналишларининг таҳлили биринчидан умумий тарзда, илмий-назарий жиҳатдан шахс ва гуруҳий фаоллик жараёнларига таъриф бериш имконини берса, иккинчидан тадқиқот мақсадига мос кичик гуруҳлардаги шахслараро фаоллигини тадқиқ қилиш билан боғлиқ мезонларни ишлаб чиқиш ва уни психологик хизмат кўрсатиш давомида амалиётда қўллаш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, шахс ва гуруҳий фаолликнинг намоён этилиши, бу ўз-ўзини ривожлантириш ва ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар қилиш учун юқори даражадаги интилишлар маҳсулидир. Шу боисдан кичик гуруҳлар доирасидаги ҳар бир, шахс фаолиятининг ижтимоий психологик тараққиёт

талаблари асосида қарор топтирилиши мазкур шахснинг ўзи учун ҳам, айти пайтда, жамият таракқиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кичик гуруҳларга таъриф бериш муаммоси Ғарбда ва АҚШда турлича методологик ёндошувларга асосланади. Жумладан, кичик гуруҳга асосан ҳис-ҳаяжонга оид боғланишлар (хайрихоҳлик, ёқтирмаслик, бефарқлик, кўнгилчанлик ва ҳоказо) орқали ҳосил бўладиган умумийлик деб қаралади. Кичик гуруҳларнинг жипслиги, улар тузилишининг гуруҳ ичидаги алоқаларни узишга қаратилган кучлар таъсирига қарши барқарорлиги, гуруҳ фаолиятининг унинг ҳажмига, унга раҳбарлик қилиш услубига боғлиқ ҳолдаги самарадорлиги, шахснинг гуруҳдагиларга мослашуви (конформлилиги) ёки унинг гуруҳдан мустақиллиги, каби ҳолатлар экспериментал тадқиқот мавзуси қилиб олиниб гуруҳ динамикаси (group dynamics)га асос солинган. Бундан, ташқари, турли хил социал-психологик ҳодисани тушуниб етиш учун ягона назарий асоснинг йўқлиги Америка социал психологиясига турли хил қарашларнинг мавжудлигига сабаб бўлмоқда. Унга кўра ҳар хил гуруҳлардаги одамлар хулқ-атворининг қонуниятларини аслини олганда билиб-билмасдан бўладиган боғланишга бориб тақалади: гуруҳ тазйиқ ўтказади, гуруҳ аъзолари эса гуруҳий тазйиққа бўйсундилар ёки бўйсунмайдилар (конформизм мослашув, ноконформизм — мослашмаслик); гуруҳ бир хил индивидларга яқинлашади, бошқаларидан эса ўзини четга олади ёки, аксинча, уларни ўз моҳиятидан чиқариб юборади; агар гуруҳ ичидаги алоқалар сони кўпая борса, у ҳолда гуруҳий алоқалар нафислашиб боради ва узилиб қолади (жипслик, мослик) ва ҳоказо.

Америка психология фанининг оқимларидан яна бири — бихевиоризмдир. Бихевиоризмнинг ва социал психологиядаги бошқа назарий йўналишларнинг ворислари эндиликда ҳар қандай ижтимоий гуруҳда бир-бири билан ташқаридан боғланган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қилаётган индивидларнинг худди ана шундай ҳалокатлари тимсолида талқин қиладилар. Жумладан, гуруҳнинг тазйиқи таъсири остида индивидларнинг кам деганда учдан бир қисми ўз фикрини ўзгартириши ва хусусий фикрининг

тажрибада иштирок этаётган бошқа кишиларнинг баҳоларига тўғри келмай колган шароитларида ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилишни хоҳламаётганлигини сезгач, яъни келишувчиликни намоён қилган тарзда кўпчилик томонидан тикиштирилган фикрга қўшилиши тажрибаларда (40-йилларда АҚШ да) аниқланган деб келинади. Кейинги барча тадқиқотлар ушбу хулосани тасдиқлаш тусини касб этган эди. Гуруҳнинг йириклашуви натижасида мослашувчанликнинг кучайиши ё кучаймаслиги, синаб кўрилатганларнинг ўзлари мослашувчанлик феъл-атворини қандай изоҳлашлари аниқланди, мослашувчанлик таъсиротларининг жинсга ва ёшга хос хусусиятлари кабилар ўрганилди.

Мазкур альтернатива (мумкин бўлган икки ҳолдан бири) ё тарбиянинг мазмунини ижтимоий муҳитнинг, гуруҳ ва жамоанинг таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир шахсни шакллантиришдан иборат деб билиш, ёхуд ҳамиша бошқаларнинг фикрига қўшилишга мойил бўлган, гуруҳнинг таъсирига қаршилик кўрсата олмайдиган ва бундай қилишни истамайдиган индивидларни, яъни конформистлар (мослашувчилар) ни тарбиялашдек аниқ-равшан педагогик муаммога айланиб қолади.

Шу билан бирга гуруҳнинг кадриятларга мўлжалланган бирлиги сифатидаги жипслашуви – масаласи ҳам кичик гуруҳлар муаммоси устида ишлашнинг маълум даражадаги методологик ёндашувларига асос бўлади. Бу йўналиш тарафдорлари ҳам гуруҳни бир-бирлари билан бевосита (юзма-юз) алоқада бўлган ва ўзаро биргалашиб ҳаракат қиладиган одамларнинг муайян кўпчилиги тариқасида механистик тарзда тушунган ҳолда гуруҳнинг жипслигини амалда унинг аъзолари ўртасида алоқа ўрнатилганлиги билан айнан бир нарса деб ҳисоблайдилар. Мазкур йўналиш тарафдорлари бўлган Америка психологиясида, гуруҳдаги коммуникациялар (ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиши ва алоқалари)нинг миқдори, такрорланиб туриши ва жадаллиги билан унинг жипслиги ўртасида бевосита боғланиш мавжудлигини асослаб беради. Кичик гуруҳдаги жипслик коэффиценти

кўпинча унда мавжуд бўлган ўзаро алоқалар сонини мазкур гуруҳда мавжуд бўлиши билан белгиланади ва баҳоланади.

Юқоридаги методологик қарашлар асосида кичик гуруҳларга турли хил таърифлар берилди. Жумладан, ҳар бир шахс учун таракқиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладики, у уларнинг ниятлари, кизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда *референт гуруҳ* деб аталади. Америкалик социологлар референт гуруҳларнинг бир неча турларини фарқлайдилар. Яъни, *норматив гуруҳлар* - бу шахс учун шундай инсонлар гуруҳики, уларнинг меъёрларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, профессионал гуруҳларни киритиш мумкин. Масалан, ўзбек халқи учун дастурхон атрофига ўтирган заҳоти юзга фотиҳа тортиш, мезбонларнинг меҳмонларга “Хуш келибсизлар” дейишлари норма ҳисобланади ва ҳар бир оилада шундай ҳаракатларга нисбатан ижобий установка шаклланади. Бунда бола учун референт роллини ота-онаси, катталар, маҳалладаги ҳурматли инсонлар ўйнайди.

*Қиёслаш гуруҳлари* – бу шундай гуруҳки, шахс ўша гуруҳга киришни, унинг маъқуллашига муҳтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция қилади. Масалан, талабалар гуруҳида шундай ёшлар бўлиши мумкинки, шахс улар билан умуман мулоқотда бўлмайди, уларнинг фикрларини ёки қарашларини ёқламайди, лекин бу гуруҳ айнан ўшаларга ўхшамаслик ва ўз устида кўпроқ ишлашга ўзини сафарбар қилиш учун керак ёки талаба ёшлар сессия яқунларига кўра дифференциал стипендия оладилар. Ўртача ўзлаштирувчи талаба учун “ҳамма талабалар” оладиган стипендия миқдорини назарда тутиб, ўзини тинчлантиради, аълочи эса, ўзиникини нафақат оддий, ўртачалар билан балки, давлат стипендиялари оладиганлар билан ҳам солиштиради.

Кўрсаткичлар юқори бўлса, шунга мос даъвогарлик даражаси ҳам юқори бўлади., шахснинг қиёслаш гуруҳлари ҳам ортиқроқ бўлади.

**Негатив гуруҳлар** - шундайки, шахс уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлоқ фарқ қилади. Масалан, икки қўшни бир-бири билан муросалари келишмаса, ҳаттоки, деворларини оқлашда ҳам бири танланган рангни иккинчиси танламайди. Бири “оқ” деса, иккинчиси – аксинча, “қора” деб тураверади.

Булардан ташқари ижтимоий психологияда гуруҳларга таъриф беришда уларни расмий ва норасмий турларга бўлиш тенденцияси ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Демак, методологик манбаларга кўра, *расмий гуруҳдаги* муносабатлар расмий меъёрлар ва ҳуқуқ бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гуруҳда бошлиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гуруҳ расмий бўлса, *норасмий* – ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гуруҳ ҳисобланади. Масалан, дўстлар гуруҳи, ёки талабалар гуруҳидаги барча қизларнинг танаффус пайидаги мулоқот гуруҳи.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи функция; б) инструментал, яъни аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит; в) экспрессив – одамларнинг ўзгаларни тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) қўллаб-қувватлаш, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

Р.С. Немов томонидан кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификацияси тақдим этилади.

### **КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Шартли (номинал)

Реал (ҳақиқий)

Табиий	Лаборатория типли
--------	-------------------

Формал (расмий)	Ноформал (норасмий)
Кучсиз ривожланган	Кучли ривожланган
Корпорация	Жамоалар
Референт	Нореферент

Мазкур классификация бугунги ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммоси бўйича эмпирик тадқиқотларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кўпгина адабиётларда, гуруҳлар улардаги одамлар сонига кўра *катта ва кичик гуруҳларга* бўлинади. Психологияда кўпроқ кичик гуруҳлар ўрганилади. Уни неча киши ташкил этиши, неча кишининг ҳамкорликдаги фаолияти кўпроқ самара бериши масаласи амалий аҳамиятга эгадир. Кўпчилик олимлар гуруҳнинг бошланғич нуқтаси сифатида миқдор жиҳатдан икки кишини – диадани тан олишади. Поляк Ян Шепаньский бунга қўшилмаса-да (унинг фикрича камида уч киши – триададан бошланади), ҳар қандай диада ўзига хос уюшма сифатида тан олинган. Масалан, янги оила қуриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст – ўзига хос кичик гуруҳ. Ҳар қандай кичик гуруҳга хос сифат шуки, унинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита мулоқотга киришиш, “юзма-юз” бўлиш имкониятга эга бўлади. Ҳар бир киши учун шу гуруҳ жуда аҳамиятли бўлиб, унинг меъёрларига ўзи хохлаб-хохламай бўйсунга бошлайди. Кичик гуруҳнинг чегараси масаласи ҳам кўп муҳокама қилинади.

Г.М.Андреева бу чегарани 12-15 киши деб ҳисобласа, америкалик Морено ўз вақтида бу чегарани 30-40 гача сурган эди. Лекин, унинг юқори чегараси неча киши бўлишидан қатъи назар, ўзаро бевосита мулоқот имкониятини бериши ва ҳар бир аъзо бир-бирига таъсир кўрсата олиши керак.

Психологик хизмат доирасида кичик гуруҳлар муаммоси ўрганилар экан унда гуруҳдаги психологик мослик муаммосига алоҳида қаралади.

Психологик мослик деганда, гуруҳ аъзолари сифатлари ва қарашларининг айнанлиги эмас, балки улар айрим сифатларининг мос келиши, қолганларининг керак бўлса, тафовут қилиши назарда тутилади. Мосликнинг мезони сифатида рус олими Н.Обозов қуйидагиларни ажратади:

- а) фаолият натижалари;
- б) аъзоларнинг сарфланган куч-энергиялари;
- в) фаолиятдан қониқиш.

Бундан ташқари, фанда асосан икки хил ўзаро мослик фарқланади: *психофизиологик ва ижтимоий психологик*. Биринчи ҳолатда фаолият жараёнида одамларнинг бир хил ва мос тарзда ҳаракат қила олишлари, реакциялар мослиги, иш ритми ва тезлигидаги уйғунликлар назарда тутилса, иккинчисида ижтимоий ҳулқдаги мослик – установкалар бирлиги, эҳтиёж ва қизиқишлар, қарашлардаги монандлик, йўналишлар бирлиги назарда тутилади. Биринчи хил мослик кўпроқ конвейер усулида ишланадиган саноат корхоналари ходимларида самарали бўлса, бу олийгоҳ ўқитувчилари, ижобий касб эгаларида иложи йўқ ва бўлиши мумкин эмас, уларда кўпроқ ижтимоий психологик мосликнинг аҳамияти каттадир.

Америкалик психолог Хоффман ўз экспериментларида гуруҳий қарорлар қабул қилишга гуруҳнинг таркиби таъсир қилиш мумкинлигини исбот қилган. Унинг фикрича, яхши, сифатли, ижобий фикрлар ва қарорлар гуруҳ таркиби ҳар хил (*гетероген таркиб*) бўлган шароитларда унинг таркиби бир хил (*гомоген*) бўлгандан анча кўп ва сифатли бўлади. **Гомоген** гуруҳларда (масалан, тахминан бир хил ўзлаштирадиган талабалар гуруҳи) қарорлар қабул қилиш мобайнида конфликтларнинг кам бўлиши ва қарорлар тезда қабул қилиниши аниқланган.

Шундай қилиб, кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатишнинг методологик асослари сифатида қайд этилган юқоридаги илмий мушоҳадалар бугунги ижтимоий психологик фанининг қуйидаги йўналишларига амалий жиҳатдан зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо сифатида қарашни тақозо этади.

1. Психологик хизмат доирасида умумтаълим мактабларида фаолият юритувчи расмий ва норасмий кичик гуруҳларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида қараш ва унинг ўзига хос гуруҳий, ҳудудий ва этнопсихологик имкониятлари кўламига эмпирик жиҳатдан баҳо бериш орқали ижтимоий психологияда амалий татбиқий вазифаларни белгилаш мумкин бўлади.
2. Кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш методологиясининг яратилиши шахс ва унинг ижтимоий фаоллигини тадқиқ қилувчи илмий ишланмаларга (Г.М.Андреева, П.Н.Шихириев, Б.Ф.Ломов, Э.Фромм, Ю.М.Забродин, Г.М.Аллпорт, Т.А.Китвелл, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова ва ҳоказо); гуруҳий идентификация ва гуруҳий ижтимоий установакаларни бевосита тадқиқ қилувчи эмпирик маълумотларга (Д.Н.Узнадзе, А.Г.Асморов, М.Рокеч, М.Фисхбеин, А.Н.Маслоу ва ҳоказо), гуруҳда шахслараро фаоллик ва шахслараро муносабат мотивацияларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий изохларга (В.Н.Мясиҳев, В.С.Мерлин, Б.И.Додонов, Б.Д.Порьгин, В.В.Розенбиат, в.х.к.) бевосита боғлиқ эканлиги алоҳида қайд этиш мумкин.
3. Илмий матбуотда маълум ва машҳур тестларнинг қўлланилиши, жумладан “Лири” тести асосида кичик гуруҳларда шахслараро муносабат мотивациясини ўрганишга қаратилган саккизта октант натижаларига, шунингдек, “Томас” тести натижаларига асосланган бешта ҳолат (баҳс мунозара, ҳамкорлик, ўзаро келишув, гуруҳдан ўзини четга олиш, гуруҳга мослашишнинг) гуруҳлар психологияси талаблари асосида ўрганилиши кичик гуруҳларни ҳар жиҳатдан ўрганиш ва унга психологик хизматлар кўрсатишни тақозо этади.
4. Кичик гуруҳларни ўрганишда ўз-ўзини ҳиссий баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотларнинг яратилиши (К.Изард, Рикс-Уэсман, Спилбергер-Ханин, А.В.Захарова, ва ҳ.к.) уларга бевосита психологик хизмат кўрсатилишини таъминлайди.
5. Таниқли психолог Р.С.Немов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчи

шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топтирилишига дахлдор бўлган гуруҳий ижтимоий психологик рельеф тизимидаги мезонларнинг тадқиқ қилиниши бугунги психологик хизмат самарадорлигини аниқлашда муҳим методологик манба сифатида хизмат қилиниши мумкин.

Умуман, хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги мулоҳазалар асосида тадқиқотнинг амалий йўналишлари, методикалари, эмпирик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳақда батафсил маълумотлар ишнинг кейинги бобларида берилади.

### **1.3. Гуруҳдаги ижтимоий-психологик муҳитни ўрганиш**

Ўрганилган адабиётлар таҳлили, ва тадқиқотимизнинг методологик асослари шуни кўрсатдики, ҳар бир ўқувчи шахсини, унинг ижтимоий-психологик табиатни имкониятларини ва ўзига хос психологик истиқболларини айнан у фаоллик кўрсатаётган кичик гуруҳлар доирасида талқин қилиш, ҳамда шу талқинлар асосида унга муайян даражадаги психологик хизматлар кўрсатиш таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бинобарин, бугунги кунда республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, тобора юксак поғоналарга кўтарилиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишга жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро вобасталиги замирида шаклланаётган гуруҳий фаоллик жараёнларини муайян психологик мезонлар асосида ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналишларини белгилаш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири. Бу – шахснинг маънавий ва интеллектуал имкониятлари бўлса, иккинчиси эса мазкур имкониятларни рўёбга чиқиши учун хизмат қилувчи ижтимоий муҳит, гуруҳий фаоллик жараёнларидир. Бу жараённи тегишли ижтимоий-психологик меъёрлар

асосида тадқиқ қилиш орқали бугунги кунда республика умумтаълим мактабларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш масаласига жиддий эътиборни қаратиш тадқиқотимизнинг асосий мақсадини ташкил этади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб тадқиқот умумий муаммосининг қўйилиши ва тадқиқот умумий вазифаларининг белгиланиши қуйидаги илмий изохларга асосланади:

I. Ҳар бир ўқувчи шахсини гуруҳий идентификация доирасида ўрганиш ва унга гуруҳий таъсир этувчи ўзига хос ижтимоий психологик омилларнинг таҳлил қилиниши юқорида қайд этилган жуда кўплаб тадқиқотлар орқали очиб берилган ва бу борада жуда кўплаб таниқли психологлар, педагоглар, социологлар, файласуфлар ҳамда бошқа қатор соҳаларнинг вакиллари томонидан эълон қилинган эмпирик тадқиқотлар натижаларига таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шундай бўлсада, айнан кичик гуруҳлар доирасида ҳар бир ўқувчи шахсига ва бир бутун ҳолдаги ўқувчилар гуруҳига психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ махсус йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилишига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигини ҳам сезмаслик мумкин эмас. Зеро, бугунги ўқувчилар жамоасидаги гуруҳий фаоллик мотивацияси имкониятларини чуқур илмий таҳлил қилмай туриб ҳар бир ўқувчи шахси тараққиётини таъминлашга қаратилган тарбия йўналишларини белгилаб бўлмайди.

II. Мазкур тадқиқот ишида даставвал умумтаълим мактабларидаги расмий ва норасмий кичик гуруҳлар доирасидаги шахслараро гуруҳий фаоллик мотивацияси жараёнининг шаклланиши ҳамда психологик хизмат жараёнида намоён этилган гуруҳий фаоллик кўрсаткичлари тушунчасини асослашга қаратилган назарий-илмий тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилини мухтасар баён қилиш масаласи қўйилди.

Чунки, ўқув фаоллиги ва ўқув жараёнидаги гуруҳий фаоллик, шахс фаоллигини таъминловчи гуруҳий идентификация жараёнлари ҳамда буларнинг психологик хизмат доирасида ўрганилиши бир-биридан ажралган

алоҳида ҳодиса эмас, балки улар бир-бирини тўлдириб турувчи ҳамда ягона, тадқиқот мақсадини амалга оширишга йўналтирилган назарий-таҳлилий жараён ҳамдир. Шунинг учун бу жараёни муайян ижтимоий психологик талаблар асосида ўрганиш муаммосининг қўйилиши айна мақсадга мувофиқ бўлган биринчи асосдир. Ишнинг биринчи боби айнан шу масалага бағишланади.

III. Тадқиқот умумий муаммосининг қўйилишидан иккинчи асос шундаки, умумтаълим мактабларида кичик расмий ва норасмий гуруҳлар доирасида психологик хизмат тизими орқали ҳар бир ўқувчи шахсидаги ижтимоий-гуруҳий фаоллик мотивацияси жараёнининг кечиши билан боғлиқ муайян кўрсаткичлар кўламини ўрганиш ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида амалий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги боис бугунги кунда ўқувчиларнинг у ёки бу гуруҳ доирасидаги фаоллигига етарлича баҳо бера олиш масаласида бир оз қийинчиликлар юзага келмоқда. Ушбу кемтикликни тўлдириш ва маълум маънода бартараф этиш учун кичик гуруҳлар доирасидаги шахслараро фаоллик мотивациясининг нечоғлиқ шаклланганлик даражаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бунда гуруҳий фаоллик мотивациясини шакллантиришга хизмат қилувчи қуйидаги йўналишлар танлаб олинди, яъни биринчи йўналишдаги усуллар мажмуаси кичик гуруҳлар доирасида ижтимоий фаоллик мотивацияси кўрсаткичларини (“Лири” ва “Томас” тестлари асосида) аниқлашга қаратилган бўлса, иккинчи йўналишдаги усуллар мажмуаси эса кичик гуруҳлар доирасидаги ўз-ўзини ҳиссий баҳолаш кўрсаткичларини (Рикс Уэссман шкаласи ёрдамида) тадқиқ қилишга қаратилди. Шунингдек, учинчи йўналишдаги усуллар мажмуаси кичик гуруҳлар доирасида ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларини (Р.С.Немов) аниқлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур муаммонинг қўйилишига дахлдор усулларни тўлдирувчи қўшимча усуллардан ҳам ўрни билан фойдаланиш кўзда тутилди.

Бинобарин, мазкур усуллар орқали гуруҳий фаоллик даражаларининг беқарорлиги ёки барқарорлиги, ижтимоий кенг ёки торлиги, гуруҳий фаоллик ҳақидаги тасаввурларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шахс ва шахслараро фаоллик ўртасидаги мутаносибликнинг муайян даражалари шахслараро фаоллик мотивацияси деб аталувчи шкалага киритилди. Барча методик умумлашмалар иккинчи бобда баён этилди.

IV. Тадқиқот муаммосининг қўйилишидаги учинчи асосий кичик гуруҳлар доирасида шахслараро фаоллик мотивациясининг ўртача-умумий, қиёсий-типик кўрсаткичларнинг муайян ижтимоий-психологик мезонлар асосида тадқиқ қилиниши билан алоҳида аҳамиятлидир. Жумладан, айтиш жоизки, ҳар бир қўлланилган методика ва таҳлил қилинадиган у ёки бу кўрсаткичлар кўлами кичик гуруҳлар доирасида фаолият юритувчи ўқувчилар шахсидаги гуруҳий фаоллик мотивацияларининг шаклланиши билан боғлиқ эмпирик маълумотларни тақдим этишга қаратилади. Мазкур асос қўлга киритилган эмпирик материалларга таяниб, респондентларнинг фаоллик даражалари билан боғлиқ ҳудудий, жинсий, ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларни яққол очиб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари ҳар бир усулий мажмуа асосида қўлга киритилган маълумотлар ўзаро илмий ҳамда мантиқий жиҳатдан умумлаштирилиб тадқиқотда қўйилган вазифаларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлайди. Бу борадаги батафсил маълумотлар тадқиқотнинг иккинчи бобида қайд этилади.

V. Тадқиқот муаммосининг қўйилишидаги тўртинчи асос ишнинг учинчи бобида қайд этилганидек, кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчиларга психологик хизмат кўрсатишнинг нечоғлик самарадорлигини тадқиқ қилишга қаратилади. Бунда яна бир бор эслатиб ўтамиз: ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчи шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топишга дахлдор бўлган мезонларнинг (гуруҳий масъуллик, жамоатчилик, гуруҳий жипслик, гуруҳий алоқадорлик, ўзаро самимийлик гуруҳий ташкилотчилик, ўзаро хабардорлик) бугунги таълим жараёнидаги, аниқроғи “тажриба” ва “назорат”

объектларидаги ҳар бир ўқувчи ва аксарият кичик гуруҳлар аъзоларининг амалий фаолиятларида қай тариха намоён бўлишини тасдиқловчи ўртача умумий қиёсий-типик кўрсаткичларни аниқлаш ва шу асосда муайян ижтимоий-психологик хулосалар чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилди. Олинган ҳар бир натижа тадқиқот интихосида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишига ва тадқиқотимиз илмий фаразини тасдиқлашга хизмат қилади.

VI. Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоятининг умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилардан иборат расмий ва норасмий гуруҳлар танланди. Бундан ташқари ҳар бир танланган объектда алоҳида кузатишлар, суҳбатлар, махсус йўналтирилган савол-жавоблар ва муайян ижтимоий-психологик ҳодисаларга ойдинлик киритишга хизмат қилувчи контент таҳлиллар олиб борилди.

Умумий респондентлар сони жами – 1021 нафарни ташкил этади. Жумладан тадқиқотнинг биринчи босқичида 415 нафар ўқувчи иштирок этган бўлиб, шундан 300 нафар ўқувчи расмий гуруҳлар аъзолари бўлса 115 нафар ўқувчи эса норасмий гуруҳ аъзолари ҳисобланади. Жумладан кичик расмий гуруҳ аъзолари сони 1-объект 30 нафар; 2-объект 25 нафар, 3-объект 25 нафар; 4-объект 30 нафар; 5-объект 25 нафар, 6—объект 28 нафар; 7-объект 24 нафар; 8-объект 27 нафар; 9-объект 29 нафар; 10-объект 30 нафар; 11-объект 30 нафарни ташкил этса, тадқиқотга жалб этилган кичик норасмий гуруҳ аъзолари сони эса 1-объект бўйича 10 нафарни, 2-объект бўйича 12 нафарни, 3-объект бўйича 4-объект бўйича 12 нафарни, 5-объект бўйича 10 нафарни, 6-объект бўйича 8 нафарни, 7-объект бўйича 9 нафарни, 8-объект бўйича 13 нафарни, 9-объект бўйича 10 нафарни, 10-объект бўйича 8 нафарни, 11-объект бўйича 12 нафарни ташкил этиши билан алоҳида характерланади (II-бобдаги жадвалларга қаралсин). Шунингдек, тадқиқотнинг II – босқичида жами 606 нафар респондент иштирок этди (II – бобдаги жадвалларга қаралсин).

Тадқиқот объектларининг барчасида мактаб психологлари, синф раҳбарлари ва мактаб раҳбарларининг яқиндан туриб амалий ёрдам берганликларини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Тадқиқотнинг умумий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди.

1. Кичик гуруҳлар муаммосига бағишланган талайгина тадқиқотлар ва илмий адабиётлар бўлсада, бироқ юқорида таъкидлаганимиздек, айнан психологик хизмат доирасида кичик гуруҳларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий адабиётларнинг муайян бир тизимга келтирилганлиги ҳамда ушбу кемтикликни тўлдиришга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб тадқиқотнинг дастлабки вазифаси сифатида хорижда, Россияда ҳамда Ўрта Осиёда бу борада олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида тегишли ахборотларни йиғиш, уларни ижтимоий-психологик талабгор асосида тадқиқот мақсадларини белгилаб олиш масаласи қўйилди. Мазкур вазифанинг қўйилиши кичик гуруҳлардаги ижтимоий фаоллик мотивацияси тушунчасига бошқа илмий талқинлардан фарқли ўлароқ айнан психологик хизмат объекти сифатида қараб, маълум методологик манбаларга таянган ҳолда алоҳида тадқиқот ўтказилишини режалаштириш масаласи қўйилди.

Тадқиқотнинг биринчи бобида бу масаланинг батафсил ёритилиши таъминланди.

2. Маълумки, ҳар қандай илмий таҳлил энг аввало амалий-методик ишланмаларга, махсус йўналтирилган эмпирик таҳлилларга асосланган илмий мушоҳадаларга таянади. Шу нуқтаи назардан, мазкур вазифани белгилаш учун бир-бирини тўлдирган ҳолда тадқиқот мақсадига мос равишда илмий-манتيқий жиҳатдан боғлаб турувчи тўртта усул танланди. Албатта ҳар бир усулнинг қўллаш тартиби, таҳлил тизими, мақсади ва вазифаларининг амалга оширилиши тадқиқот мазмунига мос равишда уйғунлаштирилди. Шунингдек, усул натижаларининг ишончлилиги, илмийлиги, давомийлиги ва ўзига хос илмий-манتيқийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир усулга мос қўшимча контент-таҳлиллар, индивидуал ва

гуруҳий суҳбатлар, интервьюлар, оғзаки ва ёзма анкеталар, математик-статистик мезонларнинг муайян имкониятларидан ҳам ўрни билан фойдаланиш масаласи кўзда тутилди. Ушбу вазифанинг бажарилиши билан боғлиқ мулоҳазалар, кўрсатмалар, ишланмалар ва аниқ йўналтирилган илмий мушоҳадалар иккинчи ва учинчи бобларнинг тегишли параграфларида батафсил баён этилади.

3. Танланилган тадқиқот методикалари ёрдамида психологик хизмат доирасида умумтаълим мактабларидаги расмий ва норасмий кичик гуруҳларда тадқиқот мақсадига мос равишда ҳар бир ўқувчи шахси учун характерли бўлган шахслараро гуруҳий фаоллик мотивацияси намоён этилишининг қиёсий-типик кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва мавжуд ижтимоий психологик қонуниятларга баҳо бериш масаласи ҳам тадқиқот марказида турган муҳим йўналиш ҳисобланади. Зеро, ўрганилган расмий ва норасмий гуруҳлар мисолида олинishi лозим бўлган барча маълумотлар шу гуруҳлар учун характерли бўлган ижтимоий-психологик имкониятлар кўламини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, барча методикаларни қўллаш асосида қўлга киритиладиган барча эмпирик маълумотлар, масалан “Лири” тести ёрдамида олинадиган 8 та октант натижалари, “Томас” тести орқали аниқланадиган 5 та мезон кўрсаткичлари, Рикс-Уэссман шкаласи бўйича қўлга киритилиши мумкин бўлган 4 та мезон имкониятларидан келиб чиқиб психологик хизмат доирасида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган расмий ва норасмий гуруҳлар ўртасидаги ўхшашликлар ва умумийликлар ҳамда муайян тафовутларга ҳар томонлама эмпирик асосланган илмий изоҳларнинг берилиши назарда тутилган.

4. Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик гуруҳлар доирасида ҳар бир ўқувчи шахсидаги ва бутун гуруҳдаги (расмий ва норасмий) ижтимоий фаоллик мотивациясининг шаклланишини намоён этувчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар кўламига баҳо бериш билан бирга бу жараён учун характерли бўлган психологик хизмат самарадорлигини аниқлаш, аниқроғи илмий таҳлиллар асосида унга баҳо бериш масаласи ҳам

тадқиқотимизнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ишнинг учинчи бобида танланган тажриба ва назорат объектлари мисолида кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатишнинг нечоғлик самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва унга илмий изоҳлар бериш масаласини қўйиш режалаштирилди. Чунки, бугунги кунда кичик гуруҳлар доирасида психологик хизмат самарадорлигига эришмай туриб биз талқин қилаётган кичик гуруҳларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик истиқболларини етарли даражада башорат қилиб бўлмайди. Мазкур вазифани таниқли психолог Р.С.Немов шкаласи ёрдамида ишлаб чиқилган “ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичлари”ни белгилаб берувчи методик ишланма асосида бажариш мўлжалланган. Тадқиқотнинг иккинчи бобида қайд этилган мазкур ишланма талабига мувофиқ барча тажриба ( $n_1$ ) ва назорат ( $n_2$ ) объектларида гуруҳий ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларининг дастлабки ва якуний эмпирик маълумотлар мисолида олинishi лозим бўлган муайян мезонлар тизимидаги ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўринишлари тарзида таҳлил қилиш, ҳамда шу таҳлилларга таянган ҳолда бугунги ижтимоий-психологик тадқиқотлар истиқболи учун муҳим бўлган якуний хулосалар чиқаришнинг ниҳоятда муҳим эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан мазкур вазифанинг бажарилиши ҳақидаги батафсил маълумотлар ишда ўз аксини топади.

**II боб. Гуруҳ ва шахсга хос хусусиятларни Р.С.Немов услуби орқали методологик таҳлил қилиш.**

**2.1. Гуруҳнинг социал жihatдан ўз-ўзини жамоа сифатида аттестасия қилиш методикаси.**

Мазкур методика гуруҳдаги муносабатларни даражасини аниқлашга мўлжалланган. У 75та ҳукумдан иборат. Синалувчилар ҳар бир ҳукм гуруҳнинг қанча аъзосига таълуқли эканини белгилайдилар.

**Кўрсатма.** «Қуйда 75 та ҳукм берилган. Сиз ҳар бир ҳукмнинг маъмуни билан танишиб, сўнг у гуруҳингизни қанча аъзосига тегишли эканлигини қуйда берилган баллардан белгиланг : 0 балл – ҳукм ким, 1 балл- деярли ҳеч ким, 2 бал-камчилик, 3 бал ярми, 4 бал кўпчилик, 5 деярли барча, 6 балл барча, «\_\_» - бир нарса дейишим қийин».

1. Ўз сўзини иш билан исботлайдилар.
2. Худбинлик ва индивидуализмни қоралайдилар.
3. Қарашлари бир хил.
4. Бир бирини мувафакятларига хурсанд бўладилар.
5. бошқа гуруҳларга ва ўз гуруҳининг янги вакилларига ёрдам берадилар.

1. Бир-бирлари билан келишган ва уйишган ҳолда ишлайдилар.
2. Гуруҳ олдида вазифаларини биладилар.
3. Бир бирларига талабчанликлари юқори.
4. Барча масалаларни келишиб ҳал этадилар.
5. Гуруҳ олдидаги масалаларни ечишда ҳам фиклилар.
6. Бир бирларига ишонадилар.
7. Бошқа гуруҳ ва ўз гуруҳининг янги вакиллари билан тажриба алмашадилар.
8. Низога йўл қўймай вазифаларини ўзлари тақсимлайдилар.
9. Гуруҳ фаолиятини натижаларини яхши биладилар.

10. Ҳеч қачон ҳеч нарсадан адашмайдилар .
11. Ўз ютуқ ва мувафақиятсизликларини тўғри баҳолайдилар.
12. Шахсий манфаатларини гуруҳ манфаатларидан юқори қўймайдилар.
13. Умумий хабар қизиқишларга эгадирлар.
14. Бир-бирларини ҳимоя қиладилар.
15. Бошқа гуруҳ ва ўз гуруҳининг янги вакиллари манфаатлари билан ҳисоблашадилар.
16. Зарурат туғилганда гуруҳда бир-бирларини ўринларига ишлаб турадилар.
17. Гуруҳ ишининг ҳам салбий ҳам ижобий томонларидан хабардорлар.
18. Гуруҳ олдидаги вазифаларини бажариш учун сидқидилдан меҳнат қиладилар..
19. Гуруҳ манфаатларига зиён етса бунга бефарқ қараб турмайдилар.
20. Вазифаларини ўзаро тақсимлашда тез келишиб оладилар.
21. Бир-бирларига кўмак берадилар.
22. Нафақат ўз гуруҳларига балки бошқа гуруҳ азоларига ҳам адолатли бўладилар.
23. Гуруҳ ичидаги камчиликларни мустақил аниқлайдилар ва бартараф этадилар.
24. Гуруҳ ичида ўзларини қандай яхши тутишни биладилар.
25. Ҳеч қачон ҳеч нимадан шубҳаланмайдилар.
26. Бошланган ишларини чала қолдирмайдилар.
27. Гуруҳдаги хулқ атвор мейорларини қаттиқ ҳимоя қиладилар.
28. Гуруҳ манфаатларини бир хилдай тўғри баҳолайдилар.
29. Гуруҳдошларини мувафақиятсизликларидан қайғурадилар.
30. Гуруҳдаги барча азоларни бир кўзда кўрадилар.
31. Гуруҳдаги низоларни бартараф этиш йўлларни биладилар.
32. Ўз вазифаларни мажбуриятларини яхши биладилар.

33. Онгли равишда интизомга риоя қиладилар.
34. Ўз гуруҳига чин дилдан ишонадилар.
35. Ўз гуруҳидаги мувофақиясизликларини тўғри қабул қиладилар..
36. Бир бирига бўлган муносабатларда ўзларини маданиятли тутадилар..
37. Гуруҳдаги аъзоларни бир кўзда кўрадилар.
38. Бир бирлари билан тез тил топиша оладилар..
39. Ўз гуруҳидаги мувофақиясизликларини тўғри қабул қиладилар..
40. Доим ҳар нарсада ҳақлар.
41. Шахсий манфаатларини гуруҳ манфаатидан устун қўймадилар.
42. Гуруҳдаги фаолларни қўллаб қуватлайдилар.
43. Ахлоқ тўғрисида бир хил фикрдалар.
44. Бир-бирлари билан дўстона муносабатдалар.
45. Нафақат ўз гуруҳ аъзоларига балки бошқа гуруҳ аъзолари билан муносабатларда ҳам маданиятлилар.
46. Зарурат бўлса гуруҳ бошқарувини ўз қўлларига оладилар.
47. Бир-бирларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши биладилар.
48. Гуруҳнинг моддий бойлигига ўзиникидай муносабатда бўладилар.
49. Гуруҳдаги эзгу гоюларни, тадбирларни қўллаб – қувватлайдилар.
50. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўхшаш қарашларга эгалар.
51. Бир – бирларини ҳурмат қиладилар.
52. Бошқа гуруҳлар билан, ўз гуруҳининг янги аъзолари билан фаол ҳамкорлик қилишга интиладилар.
53. Зарурат туғилганда гуруҳдошлар вазифаларини ўз зиммаларига оладилар.
54. Бир – бирларининг характер хусусиятларини яхши биладилар.  
Гуруҳнинг моддий бойлигига ўзиникидай муносабатда бўладилар.
55. Гуруҳдаги эзгу гоюларни, тадбирларни қўллаб – қувватлайдилар.

56. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўхшаш қарашларга эгалар.
57. Бир – бирларини ҳурмат қиладилар.
58. Бошқа гуруҳлар билан, ўз гуруҳининг янги аъзолари билан фаол ҳамкорлик қилишга интиладилар.
59. Зарурат туғилганда гуруҳдошлар вазифаларини ўз зиммаларига оладилар.
60. Бир – бирларининг характер хусусиятларини яхши биладилар.
61. Гуруҳнинг моддий бойлигига ўзиникидай муносабатда бўладилар.
62. Гуруҳдаги эзгу ғояларни, тадбирларни қўллаб – қувватлайдилар.
63. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўхшаш қарашларга эгалар.
64. Бир – бирларини ҳурмат қиладилар.
65. Бошқа гуруҳлар билан, ўз гуруҳининг янги аъзолари билан фаол ҳақорлик қилишга интиладилар.
66. Зарурат туғилганда гуруҳдошлар вазифаларини ўз зиммаларига оладилар.
67. Бир – бирларининг характер хусусиятларини яхши биладилар. Гуруҳнинг моддий бойлигига ўзиникидай муносабатда бўладилар.
68. Гуруҳдаги эзгу ғояларни, тадбирларни қўллаб – қувватлайдилар.
69. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўхшаш қарашларга эгалар.
70. Бир – бирларини ҳурмат қиладилар.

**Жавоб варақаси**

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	
8.	9.	10.	11.	12.	13.	14.	15.
16.	17.	18.	19.	20.	21.	22.	
23.	24.	25.	26.	27.	28.	29.	30.
31.	32.	33.	34.	35.	36.	37.	
38.	39.	40.	41.	42.	43.	44.	45.
46.	47.	48.	49.	50.	51.	52.	
53.	54.	55.	56.	57.	58.	59.	60.
61.	62.	63.	64.	65.	66.	67.	
68.	69.	70.	71.	72.	73.	74.	75.

Хукмларнинг 70 таси ишчи бўлиб, 5 таси назоратчи хукмдир. Назоратчи хукмлар жавобларнинг чинлигини аниқлаш учун ишлатилади. Агар назоратчи хукмлар юзасидан берилган жавоблар самимий жавобни билдирувчи вариантда бўлса, ишчи хукмларга берилган жавоблар ишончли бўлиб, ҳисобланади, акс ҳолда улар ишончсиз бўлади.

Ишчи 70 та хукм 7 гуруҳга ажратилган. Ушбу 7 гуруҳ хукмлари жамоа сифатида гуруҳдаги 7 хил муносабатнинг қанчалик ривожланганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу муносабатлар куйидагилардан иборат 1. Масъулият – гуруҳ олдидаги мақсад ва вазифаларга масъулият билан ёндошиш; 2. Коллективизм – гуруҳ олдида турган муаммоларни ҳал этиш, гуруҳий фаолиятни бажаришда ҳамкорлик қилиш; 3. Жипслик – гуруҳ ҳаётидаги асосий масалалар бўйича гуруҳ аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва гуруҳий фаолиятда «бир тану бир жон» бўлиб ҳаракат қилиш; 4. Мулоқотчанлик – гуруҳ аъзоларининг ўзаро мулоқотга, шахсий – эмоционал муносабатларга киришувчанлиги; 5. Очқилиқ – бошқа гуруҳларга ва гуруҳнинг янги аъзоларига ижобий муносабатда бўлиш; 6. Тартиб – интизомлилик гуруҳ фаолияти самарадорлиги йўлида унинг таркибий тузилишини тез ўзгартира олиш,

янгидан туза олиш; 7. Ахборотга эгалик – гуруҳ ишлари ва гуруҳ аъзолари ҳақидаги маълумотни бемалол қўлга киритиш имкониятининг мавжудлиги.

Натижаларни қайта ишлашга тайёрлаш.

Жавоб варақаларидаги натижалар қайта ишланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак: 1) 15, 30, 45, 60, 75 ҳукмларга қўйилган балл «0» бўлиши (вербал баҳода «ҳеч ким» деган жавоб берилган бўлиши) керак. Эслатма: Кўп ҳолларда жавоб варақасида назорат саволларига (15, 30, 45, 60, 75) берилган жавоблар орасида тўғри ва нотўғри жавоб вариантлари биргаликда мавжуд бўлади. Бундай вазиятда назорат саволларига нотўғри жавоб берилган сатр ва ундан олдинги сатр ўчирилади ва натижаларни ҳисоблашда инобатга олинмайди; 2) Ҳукмларга жавобан қўйилган баллар камида уч хил (масалан, 1, 4, 6 ёки 1, 3, 4) бўлиши керак.

Ушбу икки талаб бажарилгандагина натижаларни қайта ишлаш жараёнини бошлаш мумкин. Натижалар цатицик қайта ишланиши учун қуйидагича тайёрланади.

1. Статицик қайта ишлашга яроқли бўлган барча жавоб варақалари 7 та уцунга ажратиб кесиб чиқилади. +уйида тўлдирилган жавоб варақасининг қаеридан кесиш кераклиги пунктир чизиқлар билан кўрсатилган.

1.3	2.4	3.5	4. –	5.3	6.5	7.6
8. -	9.5	10.4	11.2	12.4	13.1	14.6
16.3	17.6	18.5	19.3	20.2	21.3	22.5
23.4	24.5	25.4	26.3	27.1	28.4	29.4
31.5	32.3	33.2	34.1	35.3	36.5	37.5
38.4	39.3	40.2	41.5	42.6	43.4	44.6
46.5	47.3	48.4	49.5	50.4	51.6	52.5
53.3	54.4	55.5	56.2	57.3	58.5	59.6
61.5	62.3	63.2	64.4	65.6	66.5	67.4
68.3	69.3	70.4	71.5	72.4	73.6	74.5

2. Ҳосил бўлган тасмалар ичида тартиб рақами бир шкалага тегишли бўлганлари тоза варақа ёнма ён қилиб ёпиштирилади. Бундай варақлар сони 7 та бўлади. Натижада қуйидаги манзара ҳосил бўлади.

1.	1.	1.	1.	1.	1.	1.
8.	8.	8.	8.	8.	8.	8.
16.	16.	16.	16.	16.	16.	16.
23.	23.	23.	23.	23.	23.	23.
31.	31.	31.	23.	31.	23.	31.
33.	33.	33.	31.	33.	31.	33.
46.	46.	46.	33.	46.	33.	46.
53.	46.	53.	46.	53.	46.	53.
61.	53.	61.	53.	61.	53.	61.
68.	61.	68.	61.	68.	61.	68.
	68.		68.		68.	

## 2.2. Кичик мактаб ёшидаги болалар билиш жараёнларини ўрганиш бўйича Р.С.Немов услуги.

Тафаккур ижтимоий ҳаёт шароитида шаклланадиган жараён бўлиб, у даставвал кенг предметли фаолият сифатида намоён бўлади. Кейинчалик у «ақлий» хатти-ҳаракат характери олиб, шаклга айланади. Тафаккур инсон билиш фаолиятининг олий шакли сифатида атроф олами умумлаштирган ҳолда воситали акс эттириш имконини беради, предметлар билан ҳодисалар ўртасида алоқа ва муносабатларни ташкил қилади.

Тафаккур — янгиликни қидириш ва очишдан иборат психик жараён. Бу янгилик субъектив бўлиши мумкин, яъни уни кимлардир қачовлардир топган бўлиши мумкин, лекин субъект тафаккур жараёни ёрдамида ўзи учун уни янгидан кашф этади, акс ҳолда биз кўпроқ хотира, ўтган тажрибаларимизни қайта тиклаган бўламиз. Болаларни ўқитишда тафаккурнинг шу муҳим хусусиятини асос қилиб олиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёши — психик ривожланишининг интенсив босқичи ҳисобланади. Айнан мана шу ёшдан болада жуда катта ўзгаришлар рўй беради, яъни психофизиологик функцияларнинг такомиллашувидан бошлаб, то мураккаб шахсий янги образларнинг пайдо бўлишигача бўлиб ўтадиган жараёнлар содир бўлади. Янги образларни хаёлий ҳодисаларни анализ қилиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хосдир, аммо натижалар ҳамisha ижобий бўлмаса ҳам, болалар фаолиятини таҳлил қилганимизда, биз шу нарсага амин бўлдик-ки, болалар предметларни тасаввур қилибгина қолмай, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам хаёлан тасаввур қилар экан.

Тасаввурнинг ривожланиши, тафаккурнинг шаклланаётган жараёни билан тавсифланади, бу шаклланиш боланинг хаёлий тасаввурларининг ихтиёрий кўрсаткичлари билан боғлиқдир. Бундай имконият 5-6 ёшли болаларда янада юқорироқ бўлади, чунки, бола янги ақлий ҳаракат усулларини жуда тез ўзлаштириб олади. Ақлий фаолиятда янги усулларнинг шаклланиб бориши, ташқи предметларнинг ҳаракатини ўзлаштириб олишдаги бола ҳаракати, таълим ва тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг образли тафаккурини ривожланиши учун энг мақбул имконият давридир.

4-5 ёшли болаларда кўникма ва малакаларнинг ривожланиши ҳамда шаклланишида интенсивлик кўзга ташланади, бу эса ташқи муҳитни ўрганишга замин яратади. Ақл ривожланишидаги бундай кўрсаткич, кўрғазмали ҳаракат тафаккурга «тайёргарлик даври» ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида болани ташқи ва уни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш жараёнида фактларга асосланган ҳолда тасаввур ва тушунчага эга бўла олишига кўмак беради. Кўрғазмали-ҳаракат тафаккур тури, тафаккурнинг янги турларини шаклланишига, яъни кўрғазмали-образли тафаккурнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу пiу билан таърифланадики, бола муаммоли вазиятларнинг ечимини тасаввурлар шаюшда қабул қилган ҳолда амалий ҳаракатларни қўлламайди. Мактабгача тарбия ёшининг сўнгида кўрғазмали - образли тафаккурнинг энг юқори формаси кўрғазмали-схематик тафаккурнинг ривожланиши кўзга ташланади.

Кўрғазмали-схематик тафаккур ташқи муҳитни ўзлаштириб олиш учун жуда катта имкониятлар яратади, яъни ҳар хил предметларни ва ҳодисаларни умумлаштиришнинг модели учун манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тафаккурнинг кўрғазмали-схематик формаси, мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий негизи ҳамдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 5-7 ёшли болалар муаммоли вазиятларни ечимини топишда масалага тафаккурнинг уч хил формаси билан ёндашар экан. Булар:

- кўргазмали - ҳаракат тафаккур;
- кўргазмали - образли тафаккур;
- мантиқий тафаккур.

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларда асосан образли сўз мантиқли ва кўргазмали-ҳаракатли тафаккур тури ривожланган бўлади. Сўз мантиқ тафаккур тури эса мактабгача тарбия ёшидаги болаларда энди ривожланиш даврида бўлади. Мана шунинг учун ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектини диагностика қилиш учун, биринчи навбатда образли сўз мантиқли ва кўргазмали-ҳаракат тафаккур турларига эътибор қаратиш керак.

Биз баён қилаётган психодиагностик методикалар тафаккурнинг айнан мана шу икки турига тааллуқлидир.

Образли - сўз-мантиқ тафаккур ҳам, кўргазмали-ҳаракат тафаккур ҳам ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар ҳар хил топшириқлар ечимини излаш босқичларида намоён бўлади. Мана шу боғланишлар ва муносабатлар туфайли болалардаги образли - сўз-мантиқ ва кўргазмали-ҳаракат тафаккурни диагностикалаш учун, биз ҳар иккала тафаккур туриви муқим жиҳатларини инобатга олган ҳолда, ушбу тафаккур турларига бештадан методика тавсия қиламиз.

Кичик ва катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари ёш давлари билан бир-биридан фарқланиши сабабли, ушбу методик мажмуага 3 ёшдан 4 ёшгача ва 4 ёшдан 5 ёшгача болаларнинг ёшидаги фарқларини инобатга олган ҳолда алоҳида ҳар хил вариантлар киритилган.

Энди ҳар иккала тафаккур турига тавсия қилинган методикаларга тўхталиб ўтамиз.


Образли, сўз-мантиқли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар

### **«Мантиқсиз тасвирлар» методикаси**

Ушбу методика ёрдамида болани атрофдаги борлиқ ҳамда ушбу моддий дунёдаги бир қанча объектларнинг орасида ўзаро боғланишлар ва муносабатлар ҳақида элементар образли тасаввурлари: ҳайвонлар билан, уларнинг ҳаётий кўринишлари билан, табиат билан баҳоланади.

Ушбу методика ёрдамида боланинг мантиқий мулоҳазаси ва ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ифодалай олиши аниқланади. Методикани ташкил қилиш жараёни қуйидагича олиб борилади:

1-расмда тасвирланган кўринишлар болага тавсия қилинади. унда ҳайвонлар билан боғлиқ бир қанча «мантиқсиз» ҳодисалар манжуд.



1- расм.

Болага расмни кўрсатиш жараёнида, унга қуйидаги маънода кўрсатма, берилади: «Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ҳамда бизга шуни айтчи, расмда ҳамма нарса ўз жойида чизилганми ва ушбу объектлар тўғри тасвирланганми? Агар сен қайсидир объектни ўз жойида тасвирланган эмас, деб ҳисобласанг, нима учун шундай бўлиш кераклигини тушунтириб бер ва сен бизга аслида қандай бўлиши кераклигини айтиб бер?».

Кўрсатманинг иккала қисми ҳам кетма-кетлик билан бажарилади. Биринчи навбатда бола хатоларни айтиб беради ва расмларда кўрсатиб беради, сўнгра ҳақиқатдан қандай бўлишлигини изоҳлаб беради.

Расмларни кўриш ва топшириқни бажариш вақти чегараланган, яъни уч дақиқа вақт берилади. Бу вақт мобайнида бола иложи борича мантиқсиз воқеликни кўпроқ топиши ва ҳақиқатдан қандай бўлиш кераклигини тушунтириб беради. Натижаларни баҳолаш

10 балл агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида расмдаги ҳамма мантиқсиз тасвирларни (жами 7 та) аниқлаб ҳамда қониқарли тушунтириб

бера олишга улгурса ва ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олса, ушбу баҳо қўйилади:

8-9 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо бирдан учтагача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса қўйилади;

6-7 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо 3 дан 4 гача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса қўйилади;

4- 5 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлайди, аммо 5 - 7 тагача тасвирни чегараланган вақт мобайнида шарҳлаб беришга улгура олмаса қўйилади;

2-3 балл бола чегараланган вақт мобайнида 1 – 4 тагача тасвирни аниқлаб бера олмади ва шарҳдашга вақти етмаса;

0-1 балл — чегаралашан вақт мобайнида бола расмдаги 7 та мантиқсиз тасвирлардан 4 тасини топса қўйилади.

Изоҳ: 4 ва ундан юқори балл, агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида топширикни биринчи қисмини тўлиқ бажара олса, аммо уларни тушунтириб ва шарҳлашга улгура олмаса қўйиш мумкин.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори

8- 9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача

2- 3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

### **«Йил фасллари» методикаси**

Ушбу методика 3 ёшдан 4 ёшгача болалар учун мулжалланган. Болага 2-расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топширикни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фаслларини айтиб бериши, балки нима учун

эканлигини ва фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисмда айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.



2-расм.

### ***Натижаларни баҳолаш.***

10 балл берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фаслларини бир бири билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслнинг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатилса) қўйилади.

8-9 балл бола расмдаги ҳар бир йил фаслларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фаслларининг умумий олганда 5- 7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса қўйилади.

6-7 балл бола йил фаслларини тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3 - 4 та фасллари белгисини кўрсата олса қўйилади;

4-5 балл бола фақат йил фаслларининг фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса қўйилади;

0-3 балл бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фаслларини топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда) қўйилади.


### **Тараққиёт даражасига хулоса чиқариш.**

10 балл — жуда юқори

8-9 балл — юқори 6-7 балл — ўртача 4-5 балл — паст 0- 3 балл — жуда паст

### **. «Бу ерда нима ортиқча?» методикаси**

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ва бундан олдинги методикага ўхшашдир. Бу методика болаларни образли, сўз-мантлиқли тафаккур жараёнининг анализ ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер». Топширикни бажариш учун 1 дақиқа вақт берилади.



### **3-расм. Натижаларни баҳолаш.**

10 - балл бола ўзига берилган топширикни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса қўйилади;

8-9 балл бола топширикни 1 дақиқадан 1,5 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

6-7 балл бола топширикни 1,5 дақиқадан 2 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

4-5 балл — бола топширикни 2 дақиқадан 2,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

2-3 балл бола топширикни 2,5 дақиқадан 3 дақиқагача тўғри бажара олса кўйилади;

0-1 балл бола 3 дақиқа мобайнида топширикни тўғри бажара олмаса кўйилади.

Тараққиёт даражаси хақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори

8-9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача


2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

### Методика «Расмларга қандай предмет етмайди»

Бу методика 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларнинг тафаккурини диагностик тадқиқ қилиш учун мўлжалланган. Топширикни бажаришдан олдин бола билан тушунтириш ишлари олиб борилади, яъни унга расмлар кўрсатилишини ва бу расмларда болалар тасвирланганлиги, ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади.

Болага бериладиган топширикнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бола иложи борича расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



4-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 балл— топширикқа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса қўйилади;

8-9 балл — топширикни бажаршга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса қўйилади;

6 — 7 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса қўйилади;

4 — 5 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса қўйилади;

3 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса қўйилади;


0 - 1 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса қўйилади;

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса 1,3 методика сингари чиқарилади.

### «Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг образли сўз-мантқиқли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага 5-расмдаги тасвирлар; кўрсатилиб, қуйидаги йўриқнома берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борица кўп гуруҳларга бўляб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт, ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер».



5-расм.

Топширикни бажаришга 3 дақиқа вақт берилган.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл — бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга бўлиб чиқса қўйилади.

Бу фигуралар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил фигуралар, ( расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизик билан штрих килинган), сариқ фигуралар (улар катаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;

8 - 9 балл бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқача бўлиб чиқса қўйилади;

6-7 балл —бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқада бўлиб чиқса қўйилади;

4-5 балл — 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

2- 3 балл— 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

0-1 балл—3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан кўп гуруҳга бўла олмаса қўйилади.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса 1,3 — чи методика сингари чиқарилади.

### **Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланиш**

Боланинг дастлабки тараққиётида ҳаракат ва фикрлаш жара-енларини диагностика қилиш мақсадида ўйинчоқлардан фойдаланиш ўта маҳсулдор усул ҳисобланади. Ўйинчоқ болага тўплаган шжрибасини намоён қилиш, уни ижодий қайта кўриш (қуриш-ясаш), янгиларини яратиш имконини беради. Болада ўйинчоқлар қанчалик кўп бўлса, унда шунчалик кўп ижодий кучлари ривожланади, бола шунчалик тез ташқи муҳитни ўзлаштириб олади.

А.А.Файвусович (1928) тадқиқотларининг кўрсатишича, диққатнинг кўчишини ва атрофдаги предметларга ички эҳтиёжни шакллантириш мақсадида, болалар боғчасидаги ўйинчоқларни алмаштириб туриш зарур. Масалан: 6 ойгача бўлган болаларда бир кунда 2-3 марта, 1-2 ёшдаги

болаларда бир кунда 3-4 марта, 3 ёш-гача болаларда бир кунда 4-5 марта алмаштириб туриш зарур.

Содда ва аниқ ўйинчоқларга, мураккаброқ ва мавҳумроқ ўйинчоқлар кўшиш, уларни боланинг психик тараққиётига мослаб танланиши болада фазовий ва сўз-манتيкий тафаккурнинг ривожланишга имкон беради. Қоидага кўра ўйинчоқларнинг диагностик ўлчовлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

а) ўйинчоқларни кўрганда болада хиссий кўзғалиш мавжудлиги ва уни ушлаб кўриш истаги;

б) ҳаракатларнинг фаоллиги ва кўпроқ ушлаб кўриш;

в) ўйинчоқни уни бажарадиган функциясига мос равишда ўйнаш;

г) ўйин вазиятида янги (алмаштирувчи) элементларнинг мавжудлиги;

д) ўйиннинг давомийлиги;

е) берилган ўйинчоққа эҳтиёжнинг сақланиши.

Бу эҳтиёжлар 1-3 ёшдаги болаларда ўйин вазиятида фаоллик-ни аниқлашга қаратилган. Каттароқ ёшдаги болалар учун диагностик ўлчовлар бир мунча кенгайди. Уларга нутқ ривожланганлиги, фазовий кўриш тасаввурларининг, хаёлининг, тафаккур операцияларини бажариш усулларининг ривожланганлиги каби ўлчовларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасасида тарбиячи у ёки бу психик жараёнларни ривожлантириш мақсадида дидактик материаллардан фойдаланиш мумкин. (Расмларга қараб ҳикоя тузуш, кубиклар ясаш, расмлар чизиш ва бошқалар).

### **«Мен кимман» методикаси**

Ушбу методика ёрдамида мактабгача тарбия ёшдаги боланинг ўз-ўзини баҳолаши ташхисланади. Тадқиқотчи 10 хил шахс сифатлари ҳақида савол бериб, қайдномада белгилаб боради ва улар балларга айлантирилади.

Натижаларни баҳолаш

«Ҳа» шаклидаги жавоблар 1 балл билан «Йўқ» шаклидаги жавоблар 0 балл билан баҳоланади. «Билмайман» ва «Баъзан» жавобларни 0,5 балл билан баҳоланади. Боланинг ўз-ўзини англаши умумий баллар йиғиндиси билан аниқланади.

Бола тараққиёти ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-1 баллгача - жуда паст

№	Шахс сифатларини шарҳлаш	Оғзаки жавоблар шкаласини баҳолаш			
		Ҳа	Йўқ	Баъзан	Билмайман
1	Яхши				
2	Меҳрибон				
3	Ақлли				
4	Тартибли				
5	Гапга кирувчан				
6	Эътиборли				
7	Мулойим				
8	Қобилиятли				
9	Меҳнатсевар				
10	Ростгўй				

### **Шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари**

«Бола атрофдаги одамлар билан қавдай муносабатда» методикаси. Ушбу методик саволнома боланинг коммуникатив сифатларини баҳолашга мўлжалланган. Ушбу методик саволнома ёрдамида боланинг атрофидаги

одамлар билан коммуникатив қобилиятлари ташхисланади ва бу куйидаги мезонларга асосланади.

1. Меҳрибонлик
2. Одамларга эътиборлилиги
3. Ростўйлиги
4. Мулойимлиги
5. Мулоқатчанлиги
6. Сахийлиги
7. Ҳамиша бировларга ёрдам беришга тайёрлиги
8. Ҳақиқатгўйлиги
9. Ҳаётий қувноқлиги
10. Масъулиятлиги

Ота-оналарга, тарбиячиларга ва қариндошларга мўлжалланган коммуникатив шахс саволномаси.

1. Сизнинг фарзандингиз меҳрибонми?
  - а) ҳа
  - б) йўқ
  - в) баъзан
  - г) билмайман
2. Сизнинг фарзандингиз эътиборлими?
  - а) ҳа
  - б) йўқ
  - в) баъзан
  - г) билмайман
3. Сизнинг фарзандингиз ростўйми?
  - а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

4. Сизнинг фарзандингиз мулойимми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

5. Сизнинг фарзандингиз мулоқатчанми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

6. Сизнинг фарзандингиз сахийми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

7. Сизнинг фарзандингиз ҳамиша бировларга ёрдам беришга 1 айёрма?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

8. Сизнинг фарзандингиз ҳақиқаттўйми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

9. Сизнинг фарзандингиз ҳаётдан қувноқ ва завқланувчими?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

10. Сизнинг фарзандингиз маъсулиятлими?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

Натижаларни баҳолаш:

Боланинг ҳар бир «ҳа» жавоби 1 балл билан, «йўқ» жавоби 0 балл билан, «билмайман», ёки «баъзан» жавоблари 0,5 балл билан баҳоланади.

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-2 баллгача - жуда паст

### **Билиш фаолиятини диагностика қилиш методлари**

Шахсни исихологик ўрганишда экспериментал методикалар мажмуи қўлланилади (С .Я.Рубинштейн (1970); Б.В.Зейгарник (1976); В.М.Блейхер

(1976); Е.Т.Соколова (1980); Л.Ф.Бурлачук, С.М.Морозов (1989). Лекин болалар тараққийтининг психологик диагностика қилиш методларига бағишланган амалий тавсиялар жуда кам. (И.А.Сикорский, 1901; Э.Клапаред 1911; К.Н.Корнилов, 1921; И.В.Крук 1983; А.С.Спиваковская, 1988). Педагогика инсти-тутлари талабалари учун педагогик фаолият амалиётида қўллаш мумкин бўлган аниқ психологик методларни берадиган ўқув қўлланмалари йўқ. Психология бўйича мавжуд ўқув қўлланмалар эса талабаларни болаларни психологик ўрганиш метод ва методикалар билан жуда оз даражада таништиради. (В.С.Мухина, 1985; М.В.Гамезо, И.А.Домашенко, 1986).

Илк болалик даврининг психодиагностикаси турли ёш даврла-рида бола ривожланишини баҳолашда имкон берадиган унинг психик тараққийт меъёрларига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш, мавжуд меъёрдан четга чиқишларини аниқлаш, уни тузатишнинг индивидуал чораларини режалаштириш ва олдини олиш бўйича воситалар ва методлар мажмуидан иборат.

Турли ёш давридаги болалар гуруҳини текширишда психодиагностика методикалари ўз хусусиятларига эга. Масалан, чакалоқлик давридаги болаларни текширишда сенсомотор ҳаракатларни ўрганишга мўлжалланган методлар қўлланилади: бошини ушлаб туриши, предметларни ушлаши, ўтириши, қайрилиб қараши предметнинг орқасидан кўз билан қараши ва бошқалар. (А.Анастаси 1982) 3 сшдан 6 ёшгача бўлган болаларни текширишда содда ҳаракатларни ёки оғзаки қўлланмаларни бажаришга қаратилган топшириқлар берилади. Қалам ва қоғоз, пластилин ва бошқа ўқув воситалари қўлланиладиган топшириқлар бола катта бўлган сайин қийинлаштириб борилади.

Болаларни психологик текширувда чет эл ва собиқ совет психологлари фойдаланадиган анъанавий методикаларни кўриб чиқамиз.

### **Сенсомотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар**

Инсоннинг сенсомотор соҳаси асосий нерв жараёнлари ҳаракатчанлиги типини, ихтиёрий диққат даражасини, ишга қобилиятлилиқ суръатини характерлайди. Маълумки, бола ҳаётининг дастлабки йилларида жисмоний ва рухий сифатларининг ривожланишида сенсомотор фаоллик бош мия фаолиятида шартли реффлектор алоқаларнинг мустаҳкамланишига имкон

беради (Я.П.Фрумкин, С.М.Лившиц, 1979). Улар шу билан бирга темперамент, ирода, ҳиссиёт хусусиятларининг ҳамда билиш психик жараёнларининг ривожланишига имкон беради (Э.А.Толубева, 1980; Э.Б.Аюрова, 1986).


Масалан, 1-2 ёшли болалар сенсомотор соҳасини текширишда анъанавий методлардан фойдаланиб, у ёки бу ҳаракат малакаларининг қандай шаклланганлигига, улар маълум ёш давридаги ўртача кўрсаткичи қанчалик мослигига эътибор берилади. Кўпинча бу тадқиқотлар болалар мотор ҳаракат ривожланишидаги кечикишларни аниқлашга қаратилган бўлади. Ҳаракат ривожланишида кечикиш мажудлиги кейинчалик боланинг барча психик тараққиётида кечикиш содир бўлишининг объектив замини сифатида қаралиши керак. Шу билан бирга, эрта юрган бола ўз тенгдошларини барча томондан қолдириб кетади, деб фараз қилиш ҳам хатодир. Бола ҳаётининг биринчи икки йилидаги умумий жисмоний тараққиёт боланинг кейинги ақлий тараққиётини белгиламайди (Р.Н.Муссен, 1987).

Боланинг сенсомотор соҳада ривожланиш даражаси ҳақида унинг атрофидаги турли предметлар, жумладан, ўйинчоқлар билан ҳаракат қилиш хусусиятлари дарак бериб туради. Ўйинчоқдан диагностик курул сифатида фойдаланиш унинг теварак-атрофидаги ҳодисаларни билишга интилиши ва фаоллик даражасида ҳамда предметлардан фойдаланишда амалий кўникмаларнинг

мажудлигини аниқдаш имконини беради. Каттароқ болаларни текширишда конкрет психологик методикалардан фойдаланиш мумкин. Чунки худди шу даврдан бошлаб, сўзли топшириқларни бажариш бўйича йўл-йўриқларни тушуна бошлайди, унда зарур шахсий сифатлар шаклланган бўлади, билишга қизиқиш риножланган бўлади, у катталар билан бирга экспериментал психологик тадқиқотларда нисбатан узоқроқ иштирок этиш ҳолатида бўлади.

## СЕГЕН ДОСКАСИ

Бу методика олигофренопедагогика асосчиларидан бири Ъ.).(Ъеген гомонидап ишлаб чиқилган бўлиб, боланинг шаклларни фарқлаш қобилятини аниқлашга, моторика хусусиятларини ўрганишга қаратилган (Н.А.Шиварев, 1970).Қаттиқ қоғоз ёки кардонга 1-расмдаги фигуралар чизилади.



1-расм. Сеген доскаси

Кейин уларни эҳтиёткорлик билан қирқиб олинади. Ҳар бир иариант бир-биридан мураккаблиги билан ажралиб туради: №1 -доскада 2 та ҳар хил бутун фигуралар бор; №2 - доскада 2 та фигура бўлиб, уларнинг ҳар бири икки қисмдан иборат; №3 -доскада ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат 4 та фигура; №4 –доскада икки қисмдан иборат 5 фигура.

Болага 10 сония давомида доска кўрсатилади. Кейин доскадаги фигуралар стол устига тушадиган қилиб ағдарилади. Экспериментатор уларни аралаштириб, ҳар бир фигурани ўз жойига қўйишни боладан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин, ҳар бир фигурани ўз жойига қўйишни болдан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин. Кейин боланинг ўзи топшириқни қандай бажараётганини диққат билан кузатади. Бунда бола «синаш ва хато қилиш» каби ҳаракатлар қиладими, фигураларни жойига қўйишда бола қанчалик диққат-эътиборли, бунда у қанчалик ўрганади, тадқиқотчи шу қабиларга эътибор бериб, кузатиши керак. Биринчи топшириқни бажаргандан сўнг, кейинги қийинроқ топшириққа ўтилади. Синалувчининг ҳар бир топшириқни бажариш вақти, унинг қилган ҳаракатлари махсус қоғозга ёзиб борилади. (3-жадвал)

Синалувчи топшириқларни ўзи бажара олмаса, 1 дақиқадан сўнг унга ёрдамлашиш мумкин.

*3-жадвал*

Фигураларни жойлаштириш бўйича топшириқларни бажариш қарори

Доска №	Синалувчи ҳаракатлари	Кўрсатилган ёрдам тури	Тошпириқни бажариш вақти

--	--	--	--

Бу методика жуда содда бўлиб, 3 ёшдан катта болаларни тек-пширишда фойдаланиш мумкин. Болалар фигураларни ўйин деб қабул қилиб, бу топшириқларни қизиқиб ўйнайдилар.

Болаларда мактабга чиқиш вақтида психологик ривожланиш даражасига кўра ўзига хос хусусиятлар пайдо бўлади. Бу хусусиятлар шундан иборатки, болалар бир-бирларидан интеллектуал-ахлоқий жиҳатдан фарқланадилар. Улар бир хил кўрсатма на психодиагностик ҳолатга ҳар хил жавоб беришлари мумкин. Яъни мактабга кираётган болаларга катталар учун мўлжаллаш аниқ психодиагностик тестлар мос келади. Баъзи ривожланиши паст бўлганларига боғча ёшидаги болалар учун мўлжалланган тестлар тўғри келади. Асосан, ўз-ўзини вербал баҳолаш, ташқи муҳитни онгли баҳолаш ҳолатидаги тестларда бу аниқ билинади. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги болаларда у ёки бу психодиагностик тестни ўтказишдан аввал боланинг реал психологик ривожланишига мос келувчи тестни танлаб олиш керак. 6-7 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёргарлигига оид эмпирик маълумотларга кўра, 50 % дан 80 % гача болалар у ёки бу жиҳатдан бошланғич таълим дастурини ўзлаштиришга тайёр эмас. Кўп болалар мактабга чиқишга тайёр бўлсалар-да, ақлан 5-6 ёш даражасида ривожланган бўладилар. Агар бундай болага унинг учун мураккаб ва қизиқарсиз психологик тестлар берилса, бу тестлар ривожланган ақл, диққат-эътибор ва хотира талаб қилганлиги сабабли, улар тестни бажара олмайдилар. Бу интеллектуал қобилиятнинг йўқлиги эмас, шахсий психологик ривожланиш етарли бўлмаганлиги сабабли содир бўлади.

Агар вазифани ўйин сифатида қизиқарли қилиб берилса, тест натижаси юқори бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатлар болалар психодиагностикасида амалий психологлар томонидан ҳисобга олиниши керак.

3-4 синф ўқувчилари учун қизиқарли ва катталарга сўлжалланган тестлар ҳам тўғри келиши мумкин. Тест ўтказишда фаоллик руҳий қизиқиш юқори бўлса, натижа ҳам юқори бўлади. Агар катталар тест вақтида онгли равишда иродасини ишга солиб ўзини бошқара олсалар, кичик ёшдаги мактаб болалари ва ҳатто ўсмилар ҳам буни бажара олмайдилар. Катталар учун мўлжалланган тестларни кичик мактаб ёшидаги болаларга қўллашда маълум чеклашлар мавжуд. Бу чекланишлар шахслараро муносабатлар, шахс ва идрокни таҳлил қилишга мўлжалланган тестларга тегишлидир. Катталар учун қўлланилаётган интеллектуал (ақлий) тестларнинг кўпчилиги сўз-

мантикий тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун ишлатилади. Бу хусусият кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида тараққий этиб, ўсмирлик даврига келиб ривожланиши тугалланади. Амалиёт ва ҳаётдаги ўрнига кўра, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида кўрғазмали-ҳаракат ва кўрғазмали-образли тафаккур сўз-мантикий тафаккурдан устун туради. Бундан ташқари катта одамлар учун мўлжалланган тестлар уларнинг ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Шунинг учун бу тестлар кичик болаларда қўлланганда жиддий ёндашиш ва соддалаштирилиши лозим. Баъзан кичик мактаб ёшидаги болалар учун янги вариантдаги тестлар тузишга тўғри келади. Бу ҳолатда янги муаммо туғилади, яъни бир психологик сифатни, тузилиши ва маъноси ҳар хил тестларнинг натижасини солиштириш орқали аниқлаш лозим бўлади. Катталарни турли тестлар ёрдамида баҳолаш, уларни солиштиришни талаб қилади ва доимо бир хил натижа бермайди. Тестларро солиштиришнинг натижаси ўтказиш коэффициенти билан баҳоланади. Бунда бир тестдан иккинчи тестга ўтишда мумкин бўлган хато кўзда туталади. Ўтказиш коэффициенти бир психологик хусусиятни баҳолаш учун мўлжалланган икки усул натижалари сифатида қаралади.

Ўтказиш коэффициенти учун текширилувчиларнинг сони етарли даражада кўп бўлиши, шахсий кўрсаткичлар дисперцияси эса жуда кичик бўлиши керак. Масалан: ўсмирлар Векслернинг болалар ва катталар учун мўлжалланган тестларидан, 1- да 100 % кўрсаткич, 2 - да эса 85 % кўрсаткич билан баҳоланишди. Ўтказиш коэффициенти 1,25 ни ташкил қилади. Бу коэффициент кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган тест натижасини катта ёшдагилар учун мўлжалланган тест натижасига бўлиб олинади. Олинган 1,25 натижа амалий психолог учун болаларни кичик ёшдаги болалар тест варианты билан текшириб, ўсмирларни катта ёшдаги одамлар теста билан текшириш, бу бевосита кўрсаткичларни 1,25 га бўлиб ёки кўпайтириб, катта ёшлилар тести натижасига солиштириш имконини беради.

Катта ёшлилар учун мўлжалланган шахсни ўрганувчи тестларни болалар психодиагностикасида қўллашдаги чекланишлар жиддий аҳамиятга эга, чунки катталардаги сифатлар кичик болаларда бўлмаслиги мумкин. Аксинча, кичик болалардаги ўзига хос хусусиятлар катталарда бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун катта ёшлилар тести етарли даражада валидликка эга бўлмаслиги мумкин. Биринчи томондан, ҳали боладаги йўқ хусусиятни баҳолаш керак бўлади. Иккинчи томондан, улардаги бирор бир хусусиятни баҳоламай қолиш мумкин.

Бу ҳолатдан чиқиш учун катта ёшлилар тестини болалар учун қўллашда унинг психологик ўсишии ва ёшга боғлиқ психологик хусусиятлари билиш лозим. Буларни билган ҳолда тест патижаларини баҳолаш мумкин. Болалар ва катталарнинг шахсий ривожланиш даражасини бевосита солиштириш, баҳолаш жуда қийин катталар шахсини миқдорий баҳолашдан кўра сифат жиҳатдан баҳолаш муҳимроқдир. Лекин миқдорни баҳолашнинг хдм алоҳида ўрни мавжуд.

Тавсия этилаётган психодиагностик методлар тазими мактабга кираётган кичик ёшли болаларнинг ва бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий жараёнларини, шахсий ва шахслараро муносабатларини, улардаги амалий кўникмаларни баҳолаш мақсадида фойдаланилади. Бу тизим асосида болаларни мактабга психологик тайёргарлигини, уларнинг бошланғич синфларда ўзлаштириш даражасини баҳолаш мумкин. Бундай психодиагностик баҳолаш комплексига куйидагилар киради:

1. Атроф-муҳитда умумий мўлжал олиш.
2. Болаларнинг мактаб таълимига муносабати.
3. Диққат-эътибор.
4. Хотира.
5. Тафаккур.
6. Нутқ.
7. Бадий-тасвирий қобилият.
8. Мактаб малакаси ва кўникмалари.
9. Муваффақиятга эришиш мотивлари,
10. Шахс хусусиятлари.
11. Шахслараро муносабатлар.

“*Бу тўпламга* методикалардан фойдаланиб, боланинг мактабга тайёргарлиги ёки тайёр эмаслигини баҳолаш ва ўз ривожланишидан олдинда бораётганлигини аниқлаш мумкин. Бу усуллар боланинг қобилиятларини аниқлаш ва у билан мақсадга мувофиқ ҳолда машғулоти олиб боришга ёрдам беради. Методикалар тўплами мактабдаги маълум бир тарбиявий ишларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаш имконини бериш билан бирга 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган болаларни ўрганишда қўллаш мумкин бўлган усулларни

хам ўз ичига олади. Бу усуллар ёрдамида олинган баҳолар битга ягона стандарт тизимга ўтказилади ва кичик мактаб ёшидаги мактаб ўқувчисининг психологик ривожланиши индивидуал харитасига ёзилади. Тўпламга 3 хил типдаги методикалар киритилган.

1. Бола энди мактабга кираётганда кўлланиладиган услублар.

2. Мактаб таълимига тайёргарлигини ва рухий ривожланганлигини баҳоловчи тестлар.

3. Боланинг рухий ривожланишини аниқловчи тестлар. Болалар учта асосий соҳада - билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, шахслараро муносабатлар асосида психологик жиҳатдан ўрганилади. Агар боланинг рухий ривожланиш даражаси баҳоланиши зарур бўлса, уларнинг ҳар бири махсус усуллар билан баҳоланиши мумкин.

Бу тўпламдаги методикалар диққат, тафаккур, хотира, нутқ ва идрокнинг ривожланиш даражасини аниқлайди. Ўқув фаолияти мотивацияси, муваффақиятга эришиш, ўртоқлари ва катта ёшлилар билан муносабат хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Психологияда ҳар бир билиш жараёнларини ўрганишда турли-туман натижалар олинганлиги сабабли методикаларнинг минимал аниқлигига эътибор берилган. Биринчидан, бола тарбиясига таъсир этувчи ҳолатлар, иккинчидан, ўқитиш ва тарбия таъсирида шаклланидиган хусусиятлар, масалан: диққат - эътибор, хотира, идрок тафаккур, нутқ, тасаввур, муваффақият мотивацияси ва шу қабилар. Ҳар бир методика битга кўрсаткични баҳолашга имкон беради ва 5-10 минут вақт талаб қилади. Ҳар бир болани ҳар томонлама текшириш учун 3-6 соат вақт керак бўлади. Тавсия этилаётган услублар ёрдамида болани психодиагностика қилиш қуйидаги вазифалар ечимини беради:

1. Мазкур бола қандай ривожланаётганлигини аниқлаш.

2. Боладаги лаёқат ва қобилиятни ўз вақтида аниқлаш.

3. Ўқишдан ортда қолиш ёки нотўғри тарбиянинг сабабини топиш.

4. Келажакда танланидиган касбга тайёрланиш ва танлаш учун болага, ўқитувчига ва ота-оналарга илмий асосланган тавсиялар бериш.

Бу методикалар ёрдамида болани текширишда вақтни тежашнинг яна бир усули яқка тартибда эмас, балки гуруҳий текшириш олиб боришдир. Бу

шарт-шароитлар тўғрисида ҳар бир услубдан кейин ёзма изоҳлар берилган. Агар изоҳлар йўқ бўлса, бу услубни ҳам яқка тартибда, ҳам гуруҳ шароитида қўллаш мумкин.

### **2.3. Р.С. Немов услуби орқали шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш буйича ижтимоий амалий тренинглари.**

#### **“Бузуқ телефон” машқи.**

Мақсад: Маълумот узатишдаги бузилишларни англаш. Маълумотни англаган ҳолда идрок қилиш ва фаол тинглаш услубини ўзлаштириш.

Йўриқнома: “Ушбу машқимизда 6 киши иштирок этиши керак. Бунда 5 киши хонадан ташқарида пойлаб туришади, 1 киши эса хонада қолади. Менх онада қолган одамга оғзаки топшириқ айтаман. Бу одам иложи борица ҳамма топшириқни эслаб қолади ва иккинчи (хонадан ташқарида турганлардан бирига) одамга айтади. Иккинчи одам учинчисига, учинчиси тўртинчисига ва ҳ.к. Биз эса маълумотлар қандай узатилишини кузатиб тураемиз. Кейин эса худди шу жараёни муҳокама қилаемиз”.

5 та ўқувчи хонадан чиққанидан кейин бошловчи қолган 1 кишига қуйидагича топшириқ айтади: “Сиз мактаб директорининг муовинисиз. Директоримиз Собир Комилович Сизни анча пойладилар. Лекин келмаганингиздан сўнг сизга мен орқали топшириқ айтиб кетдилар. Айтдиларки, у киши ҳозир бизга Япония аппаратурасини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кетдилар, у ердан чиқиб арайонда кенгайтирилган йиғилишга борар эканлар. Агар улар соат 12 гача келмасалар ўқитувчилар мажлисини ўзингиз ўтказар экансиз, бу мажлисда 8 “б” синфнинг давоматини кўриб чиқиш керак. Кейин соат 15.00 да мактабимизга Польшадан келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга 1 та “Нексия” билан 1 та “Дамас” автомашинасини чиқариш керак экан. Яна айтдиларки, соат 17.00 да РайОНОнинг ижтимоий таъминот бўлиmidан гўшт келар экан. Ҳамма ўқитувчиларга 2 килодан гўшт тарқатиб директорнинг улушини холодильникка солиб қўйсангиз ўзлари келиб олиб кетар эканлар”.

Шундан сўнг маълумотлар бирин-кеин кириб келаётган ўқувчиларга узатила бошлайди.

Машқ сўнгида одатда маълумотнинг бузилиши кузатилади. Машқда иштирок этган ўқувчилар видео ёрдамида маълумот мазмунини билиб

оладилар. Шундан сўнг ўқувчиларга ҳар қандай маълумотни биринчи манбадан олиш зарурияти айтиб ўтилади. Маълумотларнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши натижасида у қанчалик ўзгариб кетиши пайдо бўладиган миш-миш гапларга асос бўлиши айтиб ўтилади.

Маълумот узатишдаги хатоларни бартараф этиш мақсадида фаол тинглашни ўрганиш машқи таклиф этилади. Бу машқ йўриқномасига кўра ҳамма ўқувчилар уч кишилик гуруҳларга бўлинадилар. Бугуруҳдаги уч ўқувчи уч хил ролда иштирок этади: гапирувчи, тингловчи ва назоратчи.

Гапирувчи ҳаётдаги бирор бир воқеани айтиб беради ва тингловчи бу воқеани иложи борича эсида олиб қолиб, қайтадан такрорлаб айтиб бериши керак. Назоратчининг вазифаси йўл қўйилган хатоларни айтишдан иборат. Гуруҳдаги ҳар бир иштирокчи уччала ролдан бирортасида иштирок этиши шарт. Ушбу машқни бажариш орқали иштирокчилар вербализация, яъни фаол тинглаш методини ўзлаштирадилар.

### **Шахслараро муносабатлар ва низоли вазиятларни ҳал этиш усуллари**

Мақсад: Ролли ўйин орқали ҳамкорлик муносабатлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Бошловчи 10 та ўқувчини хонанинг ўртасига таклиф этади. Улар икки қатор бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши туришади ваулар олдига йўриқномага биноан вазифа қўйилади.

Йўриқнома: “Тасаввур қилинг, сиз иккита мактабнинг вакиллари сиз. Яқинда физика фанидан икки кунлик олимпиада бўлиши керак, лекин олимпиаданинг қаерда бўлиши ҳали аниқ эмас. Биринчи қатор — А томон — биринчи мактаб вакиллари, иккинчи қатор эса — В — томон — иккинчи мактаб вакиллари. Олимпиада кимнинг мактабида ўтиши ҳозирги сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳар бир томондаги ўқувчи иложи борича қаршисидаги шеригини ҳар хил ваъдалар, таклифлар билан ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиши керак. Лекин бу мулоқот сўзсиз — имо-ишоралар ёрдамида ўтиши керак. Қайси томонга ўтилса, олимпиада шунинг мактабида ўтади. Бунинг учун сизга икки минут вақт берилади”.

Ўқувчиларнинг мулоқоти тугагандан сўнг бажарилган вазифа таҳлил этилади. Иштирокчилар жойларига ўтирганларидан сўнг бошловчи бўлиб ўтган ечим вариантларини флипчартга ёзади. Ушбу музокарадаги муносабатлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. А Б. А томон Б томонга ўтади ва Б жойида қолади. Муносабатларнинг бу тури Б нуқтаи назаридан қараганда рақобат деб аталади.

2. А Б. А томон жойида қолади, Б томон эса А томонига ўтади. Б нуқтаи назаридан қараганда бу хил муносабат ён бериш деб аталади.

3. А Б. А ҳам Б ҳам бир-бирларининг томонига ўтишмайди ва ўз жойларида қолишади, бу хил муносабат пассивлик, яъни масалани ҳал этишдан қочиш дейилади.

4. А Б. Тўртинчи муносабат типи компраимист деб аталади. Бизнинг мисолимизда олимпиада 3-бир мактабда ўтказилиши таклиф этилади.

5. А Б. Бу муносабат тури ҳамкорлик деб аталади. Ва бунда муаммо иккала томоннинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади: Яъни олимпиаданинг бир куни бир мактабда, иккинчи куни эса иккинчи мактабда ўтади. Бу ҳолда иккала томоннинг қизиқишлари қондирилади. Ва ҳеч қайси томон ўзини камситилган деб ҳис этмайди.

Бу машқ хулосасига кўра, мулоқотнинг ҳамкорлик услуби энг самарали ва конструктив бўлиб ҳисобланади.

Машғулотнинг иккинчи ярми низоли вазиятларни ҳалэ тишга қаратилган бўлиб, ўқувчилардан бирон-бир низоли, муаммоли вазиятни айтиш сўралади. Ушбу низоли вазиятнинг турли ечимлари ўқувчилардан сўралади ва ҳар бир таклиф этилаётган вариант бирон муносабат турига тааллуқли деб топилади. Одатда, муаммоли вазият ечимларидан ҳамкорликка тааллуқли бўлган вариант низоли ҳал этишдаги конструктив йўл бўлиб ҳисобланади. Бир неча низоли вазиятларни таҳлилэ тиш орқали ўқувчилардан ушбу хулоса мустаҳкамланади.

### **“Автобусда” ўйини**

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Иштирокчилардан бири автобустаги безори ролини ўйнайди, қолганлар эса йўловчилар. Безори автобустаги иккита ўриндиқни эгаллаб олиб, бирига ўзи ўтирибди, бирига эса магнитофонини қолган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йўловчилардан ҳар бири безори билан тил топишиб унинг ёнига ўтиришга ҳаракат қилиб кўриши керак. Шарт шуки — мақсадга жанжалсиз эришиш лозим.

## **“Авлодлар ўртасидаги низо” ўйини**

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади — йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида “Эҳ, ҳозирги ёшлар...” қабалида тақлид уюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси: имкон борича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Жюри аъзолари ҳар бир ўқувчининг ҳаракатини баҳолаб боради.

## **“Орқадаги ёзувлар”**

Иштирокчиларнинг орқаларига варақ маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамнинг олдига бориб унинг орқасидаги қоғозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукамаллаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгартиришни хоҳлашини ёзиши мумкин.

## **Информацияни (маълумотни) сўзсиз узатиш**

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи шундай тушунтириш беради: “Ҳозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганларэ са унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳақида келишиб олишади. Мен уни чақираман, шунда бутун гуруҳ имо-ишора, турли қилиқлар ва юз ҳаракатлари билан унга шу информацияни узатишга ҳаракат қилишади. Чақирилган одамнинг вазифаси — гуруҳ унга айтмоқчи бўлаётган маълумотни англаб олишдан иборат”.

Бошловчига эслатма: Одатда, ўсмирлар ўйин муҳитидан ножўя хатти-ҳаракатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножўя ҳаракатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-ҳузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гуруҳининг ўзи тартибга келтириб қўйиши керак. Бу усулнинг муҳим таъсир кучига эгаллигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан ҳоли ва шовқин кам бўлган махсус хоналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

## **Икки қўллаб кўришиш**

Иштирокчиларнинг ҳаммаси доира шаклида ўтиришади. Қўллар бир-бирига бирлаштирилган бўлади. Иштирокчилар бирваракайига хоҳлаган томонидаги (чап ёки ўнг ёнидаги) кишига саломлашиш учун қўшқўллаб қўл узатади. Униси эса қўлларини ёнидагисига узатиши мумкин ва биринчи иштирокчига навбат етгунича шу ҳолда давом этади. Шундай қилиб бир нечта

мос келмаслик ҳолати кузатилиши табиий. Ана шунда қанақанги қий-чув кўтарилишини кўрасиз!

Бу ўйинни бир неча бор такрорлаш нафас ростлаш ва тинчланиш учун фойдалидир.

## **ТАНИШУВ ЎЙИНЛАРИ**

### **“Қор йиғими” ўйини**

Бошловчи кўрсатмага биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчиси эса биринчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Учинчи иштирокчи эса биринчи, иккинчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Шу тариқа охиригача давом этади. Охирги иштирокчи биринчи иштирокчидан бошлаб то гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини ва ўзининг исмини айтади. Гуруҳ аъзоларининг бири-бири билан танишиши ана шу тарзда амалга ошади.

Иккинчи турда ҳар бир иштирокчи ўзига тахаллус (гул, мева, бадий қаҳрамон, планеталар номи каби) ўйлаб топиб, кейин ўша тахаллус бўйича ўзини таништиради. Бу машқ ҳам шахслараро чиниқиш, хотирани мустаҳкамлаш, эмоционал тангликнинг олдини олиш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

### **“Олма”**

Қатнашувчилар давра куриб ўтирадилар. Бошловчи “Менинг исмим... Мен ...ни яхши кўраман (хоҳлаган нарса ёки кишини айтиши мумкин)”, — дейди ва олма (копток)ни бирон кишига қараб отади. Олма (копток)ни илиб олган иштирокчи ҳам ўз навбатида ўзини шундай таништиради ва коптокни бошқа иштирокчига узатади. Ўйин барча иштирокчилар ўзларини таништириб бўлгунларига қадар давом этади.

Иштирокчилар таништириш жараёнида айтилиши мумкин бўлган жумлалар:

Мен ... яхши кўраман (кишини исми ҳам бўлиши мумкин).

Болалигимда яхши кўрган овқатим ... (каша) эди.

Мен ёқтирадиган ранг (гул ёки мева) — ...

### **“Исмлар — фазилатлар”**

Бу ўйин гуруҳ иштирокчиларининг кайфиятини кўтариш, иштирокчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари учун ташкил қилинади.

Ҳар бир иштирокчи бирон-бир исмнинг биринчи ҳарфи билан бошланадиган шахснинг ижобий характер хусусияти, киши фазилати номини айтиш лозим (Масалан, Рашид — ростгўйлик, Мурад — мардлик ва ҳоказо).

### **“Жуфтлик асосида танишув”**

Иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб 10 минут давомида бир-бирларига ўзлари ҳақида маълумот берадилар. Кейин улардан бири иштирокчилар бир-бирларини таништиргунларига қадар давом этади.

### **АҲИЛЛАШТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР**

#### **“Ботқоқлик ўйини”**

Бунинг учун картондан ясалган ўртача катталиқда “ликопчалар” керак бўлади. Уларнинг сони 9 та бўлиши керак. Гуруҳ аъзолари қатор бўлиб, бирин-кетин тарелкаларга оёқ қўйиб ботқоқликдан ўта бошлайдилар, атрофда эса (иккинчи гуруҳ аъзолари) кароқчи тимсоҳлар юради. Тимсоҳлар тарелкаларни олиб қўйишга шай турадилар, мақсад ҳар бир гуруҳ аъзоси тарелкалардан оёқ узмаслиги, ҳеч бўлмаганда бир оёқнинг учи билан уларни босиб туриши керак. Агар гуруҳ аъзолари иттифоқ бўлиб ҳаракат қилсалар, мағлубиятсиз ботқоқликдан ўтадилар, биронта ликопчани тимсоҳга бермайдилар.

#### **“Автобус”**

Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Бошловчи улар иккита автобусда жойлашишлари кераклигини айтади. Автобус ўриндиқлари сифатида стуллардан фойдаланиш мумкин. Иштирокчилар стулларга бир-бирларига қарама-қарши жойлашиб ўтирадилар. Ҳамма икки автобусга жойлашиб бўлгач, бошловчи биринчи автобус юрмаслигини, у бузилиб қолганлигини маълум қилиб, ҳамма иккинчи автобусга ўтиши кераклигини айтади. Бу ўйин бошловчигагуруҳга иштирокчилар орасида бир-бирига ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

#### **Топинг-чи, бу ким?**

Бунинг учун ҳар бир иштирокчи шу гуруҳ аъзоларидан кимнингдир 10 тадан кам бўлмаган характер хусусиятларини қоғозга ёзади, лекин ким ҳақда ёзганлигини, ҳатто ўғил ёки қиз болалигини ҳам ҳеч кимга айтмайди. Қолган

иштирокчилар ёзилган характер хусусиятларига қараб гап ким ҳақда кетаётганлигини топишлари лозим. Агар гуруҳ гап ким ҳақида кетаётганлигини қанчалик тез топса, уни таърифлаган иштирокчи моҳир одам сифатида рағбатлантирилади.

### **“Орқама-орқа”**

Иштирокчилар хона бўйлаб ҳаракат қиладилар. Бошловчи тана аъзоларидан бирининг номини айтади, масалан, “орқа” дейди. Шунда иштирокчилар ўзларига жуфт топиб, бир-бирига суянишлари керак. Ўзига шерик топа олмаган иштирокчи эса ўртага чиқади ва ўйинни давом эттириш учун бошқа тана аъзоларининг номини айтади (масалан кўл, оёқ, бош бармоқлар, елка в ҳоказо).

### **“қарам, тепалик, сўқмоқ”**

Иштирокчилар 6-10 кишилик гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари бир-бирларининг кўлларидан ушлаб, давра қурадилар. Ўйин иштирокчиларнинг ўнг томонга қараб айланиши билан бошланади. Бошловчи томонидан “Сўқмоқ” дейилганда иштирокчилар бир қатор бўлиб ўтириб олишлари керак. “қарам” дейилганда ҳар бир гуруҳ 2 кичик гуруҳга бўлинади ва бир-бирига юзма-юз бўлиб, кўлларини бирлаштириб юқорига кўтарадилар. “Тепалик” дейилганда эса, иштирокчилар яна бир қатор бўладилар, бироқ бунда гуруҳдаги бир иштирокчи турса, иккинчиси ўтириб олади, натижада тепаликлар кўринишини акс эттирадилар. Вазифани бошқалардан олдин ва яхши бажарган гуруҳга 1 балл берилади. Шундай қилиб энг ўп балл жамғарган ғоли деб топилади.

### **“Қаерга, қаерга”**

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири рақам билан номланади. Иштирокчилар ўз рақамларини эслаб қолишлари керак. Шундан сўнг улар аралашиб кетишади. Бошловчи ўртада туриб иккита сонни айтади. Шу рақамлар билан номланган иштирокчилар “қаерга, қаерга” деб бир-бирларининг ўринларига ўтиб олишлари зарур. Бошловчи ҳам бу орада очик қолган жойни эгаллашга уринади. Жойсиз қолган иштирокчи ўйинни давом эттиради.

### **“Қайта тузилиш”**

Иштирокчилар 2 гуруҳга бўлинадилар ва бошловчи ишораси билан турли белгиларга кўра тезроқ сафга тизилишга ҳаракат қиладилар (масалан, оёқ кийимининг ўлчами, туғилган куни ва ҳ.к.лар ҳисобига олиниши мумкин).

## **“Ишонч паравози”**

Барча иштирокчилар бир қаторга тизилишади. Биринчи иштирокчидан ташқари гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси кўзларини юмишади ва бир-бирларининг белидан ушлаб олишади. Биринчи иштирокчининг вазифаси — “паравоз”ни хона бўйлаб тўсиқлар (йўллар) орасидан олиб юриш, қолганлар эса олдиндаги иштирокчининг ҳаракатларига мос равишда тўсиқлар орасидан уринмай-суринмай ўтишлари даркор.

## **“Ёмғир”**

Иштирокчилар айлана кўринишида туриб олишади. Бунда жимлик ҳукм суриш керак. Бошловчи “Ҳозир сиз ёмғир товушини эшитасиз, лекин бунинг учун менинг ҳаракатларимни такрорлашингиз керак”, — дейди. Бошловчи ўртада туриб ҳар бир иштирокчининг олдига келади ва унинг кўзига қараб, муайян ҳаракатларни бажариб кўрсатади. Ҳар бир иштирокчи токи бошловчи бутун даврани айланиб келиб бошқа ҳаракатни кўрсатмагунича шу ҳаракатни бажариб туриши зарур.

Ҳаракатлар:

- Кафтларни бир-бирига ишқалаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Тиззаларни шапатилаб, оёқларни дўпиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш.

## **“Кўринмас совға”**

Иштирокчилар давра қуриб олишади. Бошловчи қўлида ҳамма нарсани яшаш мумкин бўлган кўринмас лой борлигини ва иштирокчилар ундан совға ясаб, ўнг томонидаги иштирокчига узатишлари лозимлигини айтади. Совға ясалади ва қабул қилиб олингач, яна бошқатдан совға ясаиб, навбатдаги иштирокчию такдим этилади. Шу тариқа барча “совға” олмагунича бу ҳаракатлар такрорланади. Ўйин охирида кимнинг нима совға қилгани ва сабаби сўралади.

## **“Яширин лидер”**

Гуруҳ аъзоларидан бири хонадан чиқиб туради. Қолганлардан бирини — “лидер”ни танлашади. Қолган иштирокчиларнинг вазифаси: лидер муайян ҳаракатларни бажарганда улар ҳам бу ҳаракатларни такрорлаши керак. Хонадан чиқариб юборилган иштирокчини хонага таклиф қиладилар, унинг вазифаси: “лидер” кимлигини аниқлаши керак. Агар тўғри топса, лидер билан ўрин алмашади.

## **ИШЧАНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТУВЧИ ҲИЙИНЛАР**

### **Жой алмашини**

Иштирокчилар доира атрофида ўтирадилар, тренер эса доира ўртасида туради.

Йўриқнома: “Ҳозир бизда танишимни давом эттириши имконияти бўлади. Буни шундай қиламиз: доиранинг марказида турган киши (бошида бу мен бўлман) бирор умумий белгига эга бўлган нарсани ҳаммага таклиф этади ва кимда шу белги бўлса у жойини алмашади. Масалан, мен шундай дейман: “Синглиси борлар жойингизни алмаштиринг” ва ҳамма синглиси борлар жойларини алмаштиришлари керак. Бунда доиранинг марказида турган киши бўшаган жойни эгаллашга улгуриши керак. Марказда жойсиз қолган иштирокчи эса Ҳийинни давом эттириши керак”.

Машқ тугаганидан сўнг тренер гуруҳга қуйидаги саволлар билан муружаат этиши мумкин: “Сиз ўзингизни қандай сезаяпсиз?”, “Ҳозир сизнинг кайфиятингиз қандай?”. Қоидаги мувофиқ машқлар қуйидагича ўтади. У қизишганликни пасайтиради, кайфиятини кўтаради, диққат ва фикрларни фаоллаштиради.

## Хулоса

Ҳар қандай шахс том маънода ижтимоий мавжудот бўлганлиги боис унинг барча онгли ҳаракатлари, фаолияти ва фаоллиги энг аввало уни ўраб турган ижтимоий муҳит, қолаверса унга бевосита таъсир этувчи шахсларга ёхуд шахслараро муносабатлар мотивациясининг шаклланишига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан Р.С.Немовнинг ижтимоий психология соҳасига қўшган ҳиссаси кичик гуруҳлар доирасида ҳар бир шахсга, аниқроғи ўқувчи шахсига таъсир этувчи омилларни муайян ижтимоий-психологик мезонлар асосида тадқиқ қилиш масаласи бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири сифатида намоён этилмоқда. Бу жараёнда албатта Р.С.Немовнинг ижтимоий психология соҳасига қўшган ҳиссаси, унинг ижтимоий таснифларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда беқиёс эканлиги маълум бўлди. Айни пайтда, Р.С.Немовнинг ижтимоий психология соҳасига бағишланган ижтимоий психология фанининг назарий ва методологик манбаларига бевосита таянган ҳолда кичик гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ ўзига хос ижтимоий психологик хусусиятларни эмпирик таҳлил қилиш натижалари қуйидаги якуний-илмий хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Бугунги ижтимоий психологиядаги назарий-илмий ва методологик адабиётлар таҳлили кичик гуруҳлар доирасида психологик изланишлар буйича мукамал тадқиқотларнинг етарли даражада мавжуд эмаслигини кўрсатди. Ҳолбуки, Р.С.Немовнинг табири буйича ҳар бир ўқувчи шахсини муайян гуруҳдаги ижтимоий мавқеини ўрганиш, ундаги гуруҳий фаоллик даражаларига баҳо бериш, гуруҳдаги шахсий ва гуруҳий “Мен”ликнинг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш, қолаверса шу таҳлиллар асосида унинг ижтимоий шахс сифатидаги фаоллигини таъминлаш йўлларини излаш масаласи бугунги таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

2. Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун махсус танланган ва модификация қилинган усуллар мажмуасини қўллаш орқали Р.С.Немовнинг

ижтимоий психология соҳаси доирасида кичик гуруҳлар ва кичик гуруҳлардаги шахслараро фаоллик мотивацияларининг ўзига хос иерархик тизимига оид кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконияти яратилади. Тадқиқотимиз давомида Р.С.Немовнинг ижтимоий психология соҳасидаги тадқиқотлари ва уни гуруҳлар класификациясини ўзига хос психологик жихатларини бугунги кунда ўрганилиши ва ижтимоий гуруҳларни ўрганишда бой манба бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил бўлди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон. 2010 й. – 89 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ. 1999. – 182 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ. 1998. – 62 б.
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон 2009.-24 б.
5. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:“Маънавият”,2008.-176 б.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин/ “Тафаккур” журнали. – Тошкент. – 1998 – 2-сон 11 б.
7. Андреева Г.М. Социальная психология учебник для Вузов. – М.: Аспект-Пресс, 2001-378с.)
8. Ғозиев Э. Психология: Ёш даврлар психологияси:Пед.институтлари ва унив.талабалари учун ўқув қўлл.-Т.: Ўқитувчи., 1994.-131-135 бет.
9. Ғозиев Э.Ғ., Р.Н.Мелибаева. Ижтимоий психология. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув услубий қўлланма.-Тошкент-2009.-143 б.
10. Морено Дж. Социометрия. – М., 1958. – 244 с.
11. Баротов Ш.Р. Мактабда психологик хизмат. «Замонавий таълим» 1997, 3-сон, 19-23 бетлар.
12. Баротов Ш.Р. Психология ва таълим самараси. «Бошлангич таълим» журнали. Тошкент, 2001, 2-сон, 24-25.
- 13.Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений:В 3 кн. — 4-е изд. — М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. - Кн. 1: Общие основы психологии. — 688 с.

14. Немов Р.С. Психология. Учеб. для студентов высш. пед. учеб. заведений. В 3 кн. Кн. 2. Психология образования. — 2-е изд. — М.:Просвещение: ВЛАДОС, 1995. - 496 с.
15. Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. — 4-е изд. — М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. — Кн. 3: Психодиагностика. Введение в научное психологическое исследование с элементами математической статистики. — 640 с.
16. Homans G.C The human group. N.V 1950 г – 84 бет).
17. [www.zhivun.com](http://www.zhivun.com) Hall C. S. and Lindzey G. Theory of Personality. New York: John Wiley, 1957. p. 11.
18. <http://www.nauka-shop.com/mod/shop/product/D/25417/>.
19. <http://www.nauka-psihologi.com/mod/shop/product/D/20548/>
- 20.<http://www.lib.psixology.msu.ru>
- 21.<http://www.lib.psixology.ru>
- 22.<http://www.lib.psixology.rin.ru>
- 23.<http://www.lib.psixology.narod.ru>
- 24.<http://www.lib.psixology.narod.ru>
- 25.<http://www.lib.psixology.ru>